

Xabar

28
(825)-son

11-iyul

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqqa boshlagan



"Sharp" kompaniyasi quysh batareysida ishlovchi televizor takdimotini utkazdi. Yangi turkum televizori 26 djoyimlik ЖК-экрanga эга бўлиб, бошқа телевизорларга қараганда уч баравар кам электр қуввати сарфлайди. Унинг матрица контрасти 100000:1ни ташкил этади, корпуси 2 сантиметр қалинликка эга.

Компаниянинг маълум қилишича, сайёрамиз хонадонларидаги электр тармоғига уланмаган 1,6 миллиард киши янги телевизорнинг ҳақиқий харидорлари бўлиши мумкин.

Илгари Буюк Британиянинг "Roberts" kompaniyasi ҳам қуёшдан қувват олувчи "SolarDAB" рақамли радиоприёмник ишлаб чиққан эди.

**2008 йилнинг
июл ойига
келиб
ЎЗБЕКИСТОН
МОБИЛ АЛОҚА
ХИЗМАТИ
АБОНЕНТЛАРИ
СОНИ**

9

**миллиондан
ошди!**

Таққослаш учун:

2008 йил бошида
БУ КЎРСАТКИЧ
6 МИЛЛИОН ЭДИ.
АГАР ЎСИШ ДАРАЖАСИ
САҚЛАНИБ ҚОЛСА, 2009
ЙИЛ БОШЛАНИШИГА
БОРИБ АБОНЕНТЛАР
СОНИ 12 МИЛЛИОНДАН
ОШИШИ МУМКИН.



ЙЎЛЛАНМАСИ СОҲИБЛАРИ

Улар Кёльн (Германия) шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади

Чемпионатнинг минтақавий саралаш турнирлари Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қарши ва Тошкент шаҳарларида ташкил этилди. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, кўпгина мамлакатларда чемпионатнинг минтақавий турнирида иштирок этиш пуллик ҳисобланади. Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиш эса бепул. Шу сабабдан ҳам чемпионатда қатнашиш истагида бўлган ёшлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, бу йилги саралаш турнирларида барча вилоятлардан 3000га яқин геймер иштирок этди. Миллий финалга қадар ўз минтақаларида голибликни қўлга киритган 72 нафар киберспортчилар етиб келишди. Улардан бешта расмий ўйин бўйича чемпионлик шохсупасига кўтарилган 9 нафар геймер WCG 2008 Grand Final йўлланмасига эга бўлди.

3-бет



**Кенг қамровли
сугурта хизматлари**

tel.: (+998 71) 273-80-05, факс: (+998 71) 273-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги ўй Интернет

JUMADAN —
UMAGASHA

Матбуотда "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Ню-Йорк, 2003 йил 31 октябр) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни қўлайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг Қўшма қарори эълон қилинди.

Япония пойтахтида "Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари тараққиёти: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар" мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари билан бир қаторда "Кунчиқар юрт"нинг ноҳукумат ташкилотлари маркази, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, "Япония-Ўзбекистон" уюшмаси, Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ этиш институтининг етакчи экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида шахзода Майкл Кентский шафелигидаги Британиянинг "Оксус Голд" компанияси таъсис этган "Амантайтау Голдфилдс" стипендия жамғармасининг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимот чоғида, шунингдек, иштирокчилар эътиборига Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг бориши, Ёшлар йили Давлат дастури, таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Нодира Дадамухамедова Будапешт шаҳрида ўтган 8-ш пианиночилар халқаро танловида биринчи ўринни эгаллади.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри қошидаги "Сабо" миллий ракс ансамбли жамоаси Ҳиндистон мамлакатига ижодий сафар уюштирди. Тадбир Ҳиндистон маданий алоқалар маркази томонидан Ўзбекистоннинг маъмур мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2008 йил биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Ярим йил яқунларига бағишланди

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралдаги йиғилишидаги маърузасида ва ушбу йиғилиш баёни билан берилган топшириқлардан келиб чиқиб Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг ҳолати, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида архив ишини ташкил қилиш ва иш юритишнинг аҳоли тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиш суръатла-

рини таъминлаш, корхоналарда модернизациялаш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали экспорт имкониятларини ошириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизматлар турларини кўпайтириш ва ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, молиявий ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида амалий ишлар олиб борилди.

2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича жами 641,41 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 157,18 фоизни ташкил этди.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 136,8 фоиз бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 117,8 миллиард сўмлик (90,6 миллион АҚШ доллари) тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл сармоялари ўзлаштирилиб, бу борадаги

йиллик режа 60 фоизга уддаланди.

Йиғилишда вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат интерактив хизматлари сонини ва сифатини ошириш ҳамда қишлоқ жойларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари хизматларини ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида архив иши ва иш юритишнинг аҳоли таҳлил этилди ҳамда бу борада қатор вазирлик, идора ва компанияларнинг фаолияти танқидий баҳоланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, Комплекс таркибидаги идораларда Ёшлар йили ва бошқа устувор Давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини қўлайтириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.



Хозир филиал боғламаларида синов муддати муваффақиятли ўтказилиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланишига эришилмоқда.

БОЙСУН

— Истиклол шарофати билан рақамли электрон станциясига эга бўлдик, — дейди туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Эркин Воҳидов. — Хитой технологияси асосидаги бу иншоот 3072 мижозга хизмат кўрсатиш қуввати-га эга. Бугунги кунда унинг 2250 та с и д а н фойдаланял-миз. Энг муҳими, юз берган янгилик бойсунликларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Дарҳақиқат, боғлама бошлиғи бу ўринда ҳақ. Илгари туман бўйича телефон хизмати кўнгилдагидек эмас эди. Айниқса, тоғолди қишлоқларида қатор муаммолар кўндаланг бўлиб турарди. Энди эса улар рақамли телефон станцияси имкониятларидан кенг фойдаланишмоқда. Шунинг учун ҳам мижозлар сафи тобора кенгайиб борапти. Эътиборли жиҳати шундаки, рақамли телефоннинг қўшимча хизмат турлари аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хозир 21 турдаги ана шундай хизматдан фойдаланилмоқда.

Кросс АТС муҳандиси Файрат Тўрақулновнинг фикрича, янги станция ихчам ва қўлайлиги билан ажралиб туради. Аввал электр энергиясида узиллиш берган чоғлари чамаси икки соатлар дизел ишлаб турарди. Энди эса аккумулятор қуввати қўл келмоқда. Олий маълумотли мутахассис Маннон ака Ҳакимов нафақат

"Сурхондарё Телеком" филиали ҳаётида кейинги икки йилда туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, Қарши-Термиз оптик толали магистрал алоқа линияси ишга туширилгач, Бойсун, Қизирик, Бандихон ва Шеробод туманлари марказига ўрнатилган рақамли телефон станциялари ушбу линияга уланди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилишга доир қарори ижросига катта ҳисса қўшилди.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

раҳбар ўринбосари сифатида, балки тадбиркорлик бобида ҳам шахсий намуна кўрсата билди. Туман ҳокимлиги қарори билан "Оби" маҳалласида қурилиш қилиш учун ер олинди. Бу ерда халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув шахобчасига янги бино қурилди.

Бино чор-атрофи гулзорга айлантирилди. Хозир

бу ерда ўғли Хуршид Ҳакимов элга манзур хизмат кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керакики, Бойсун телекоммуника-

циялар боғламаси ходимлари учун келажақда янги имкониятлар "эшиги" очилади. Истиклол йилларида ишга туширилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўли туфайли очиладиган конлар рақамли телефон шахобчаларига эҳтиёжни оширади. Демак, туман алоқачилари янада нурли чўққиларни забт этишади.

ҚИЗИРИК

Сир эмас, туман телекоммуникациялар боғламаси жойлашган кўп қаватли бино сирти ва ичкариси қаровсиз ҳолатга тушиб қолган эди. Ўқтам Холмуродов раҳбар этиб тайинлангач, биринчи ишни ободонлаштиришдан бошлади. Хайрли ишга қўл урилган бир чоғда Қарши-Термиз оптик толали магистрал алоқа линияси лойиҳасига Қизирик тумани ҳам қўшилди. Янгилик кўзланган мақсадга эришишни тезлаштириш имконини берди.

Бинонинг иккинчи қаватидаги зал мукаммал таъмирдан чиқарилди. За-

монавий алоқа техникалари учун шу қаватдан жой ҳозирланди. Хоналарга "Аква" эшик-ролларни ўрнатилди. Озгина ҳаракат ва хориж технологияси шарофати билан туман марказидаги яна бир бино замонавий кўрк олди. Бугунги кунда ходимлар ораста хоналарда ишлашмоқда.

Боғлама ҳозир ўз маънавияти ва маърифат хонасига эга. Бу масканга Холмисахон Аҳатова масъул этиб қўйилган. Шу билан бирга, ходимлар бўш вақтларида спортнинг беш тури билан шуғулланишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қизириклик алоқа ходимлари ҳаётида янги давр — истиқлол нафаси сезилиб турибди.

Сурхондарёда Хитой тараққиёт банки ва "Хуавей" компанияси ҳамкорлигидаги телекоммуникациялар тармоғи учун мўлжалланган истиқболли дастур ижроси билан боғлиқ ижобий ишлар олиб борилапти. Хозир "Сурхондарё Телеком" филиалининг Жарқўрган, Қумқўрган, Шўрчи ва Денов телекоммуникациялар боғламалари ҳудудда оптик толали кабелни ётқириш ҳамда янги рақамли электрон станцияларни фойдаланишга топшириш йўлидаги ишлар давом этмоқда. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрамига қадар белгиланган тадбирлар нихоясига етказилади. Йил охирига бориб эса рақамли электрон станция имкониятлари "Сурхондарё Телеком" филиали боғламаларини тўла-тўқис қамраб олади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Пойтахтимиздаги INFINITY клубида компьютер ўйинлари бўйича VI Ўзбекистон чемпионати-нинг миллий финали ўтказилди. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари М.Сангилов, "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Мухитдиновлар иштирок этиб, мусобақа қатнашчиларига омадлар тилашди.

— Бу йилги бахслар янги чемпионларни кашф этди, — дейди чемпионат ташкилотчиси InfoCOM.UZ журнали таҳрир хайъати раиси Александр Сучков. — Ўтган йилларда кетма-кет голибликка эришиб келган геймерларимиз бу сафар рақибларига ўринларини бўшатиб беришга мажбур бўлишди. Вилоятлар вакиллари ҳам яхши натижалар қўрсатишди. Фарғона вилояти вакили Сардорбек Абдуллаев биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Андижоннинг "ABS" жамоаси иккинчи бўлди. Самарқандлик геймерлар эса 8та медаллар шодасига (2та кумуш ва 6та бронза) эгалик қилишди.

4 июн куни "Зарафшон" концерт залида миллий финал голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Биринчи бўлиб саҳнага Half-Life™: Counter-Strike 1.6. ўйини голиб ва совриндорлари тақдир этилди.

Ўзбекистон чемпиони деган номга "Just" (Тошкент) жамоаси (таркиби: Ришат Гизделханов, Улуғбек Солихов, Артем Атбашян, Кирилл Лошкарёв, Дилшод Мажинов) сазовор бўлди.

Иккинчи ўрин ABS (Андижон) жамоасига (таркиби: Бобур Азимов, Шерзод Алимов, Машхурбек Ҳамидов, Азизбек Тожибоев ва Аҳмаджон Азимов) насиб этди.

Учинчи ўридан "SAMARKAND" жамоаси (таркиби: Шерзод Ганиев, Шамил Хошимов, Бекзод Абдурахимов, Шухрат Давронов, Исқандар Намозов) жой олди.

Голиб ва совриндорларга чемпионат медаллари ва совринларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари М.Сангилов топширди.

WarCraft® III: Frozen Throne ўйини бўйича:



1-ўрин. Илдар Ибрагимов (Тошкент).

2-ўрин. Ҳазрат Шарипов (Самарқанд).



WCG 2008 Grand Final ЙЎЛЛАНМАСИ СОҲИБЛАРИ

Улар Кёльн (Германия) шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади

3-ўрин. Равшан Зокиров (Тошкент).

Медал ва совринларни "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Мухитдинов топширди.

StarCraft®: Brood War™ ўйини бўйича:



Олтин медал Фирдавс Ҳасанов-га (Тошкент) насиб этди.

Кумуш медалга Николай Ким (Тошкент) эга бўлди.

Бронза медалини Рафазл Муртазин (Тошкент) қўлга киритди. Тақдирлашда "МТС-Ўзбекистон" компанияси бош директори ўринбосари иштирок этди.

FIFA Soccer 08 ўйини бўйича:



1-ўрин. Фарҳодбек Сайфиддин ўғли (Тошкент).

2-ўрин. Тохир Самкаев (Тошкент).

3-ўрин. Фаррух Назаров (Самарқанд).

Тақдирлаш Тошкент ахборот технологиялари университети

ректори С.Қосимов томонидан амалга оширилди.

Need for Speed™ Pro Street ўйинида:



Олтин медал соҳиби — Сардорбек Абдуллаев (Фарғона).

Кумуш медал — Сайфулло Бобоқулов (Самарқанд).

Бронза — Али Юсупов (Тошкент).

UZINFOCOM маркази директори Ж.Раҳимов ушбу ўйин голиб ва совриндорларига медал ҳамда дипломларни топшириш билан бирга марказнинг совғаларини ҳам тақдим этди.


Шунингдек, PAYNET компанияси ҳам чемпионларга совғалар улашди.

Тақдирлаш маросими якунида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати олтин медал соҳиблари яна бир бор саҳнага тақлиф этилдилар. Уларга ("Just" жамоаси, Илдар Ибрагимов, Фирдавс Ҳасанов, Фарҳодбек Сайфиддин ўғли, Сардорбек Абдуллаев) жорий йилнинг ноябр ойида Кёльн (Германия) шаҳрида бўлиб ўтадиган WCG2008 гранд финалида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар берилди. Сунгра таниқли санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

UZ ДОМЕНИДА ЯНГИ ҚОИДА

Жорий йилнинг 2 июлидан UZ домени ҳудудида домен номларини рўйхатга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган янги Низом кучга кирди.



Ҳужжат UZ доменида рўйхатга олиш ва домен номларидан фойдаланишга доир қоидаларни белгилайди, шунингдек фаолияти мазкур домен ҳудудида домен номларини рўйхатга олиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб туради.

Домен номларини рўйхатга олиш ва улардан фойдаланиш тартибига доир асосий ўзгаришлардан бири — домен эгаси унинг муддатини яна бир йилга узайтириш имкониятига эга бир ойлик имтиёзли даврнинг бекор қилинганлигидир. Яъни, бундан буён домен номининг фаолият муддати у рўйхатга олинганда кўрсатилган муддатнинг охириг қуни (одатда 12 ой) тугайди.

Домен номи муддатини 11 ва 12-ойларда узайтириш мумкин. Фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун домен номи муддати тугашига 2 ой, 1 ой ва 10 кун қолганида бу ҳақда электрон почта орқали хабар жўнатиб турилади.

Бундан ташқари, домен номини банд қилиб туриш муҳлати 7 кунгача қисқартирилди (илгари бир ой эди). Бу домен номини рўйхатдан ўтказган шахс ихтиёрида тўлов учун 7 кундан ортиқ бўлмаган вақт борлигини англатади.

Жаҳон ва миллий тажрибалардан келиб чиқиб янги ҳужжатда домен номлари турли тоифаларга ажратилди (давлат, интеллектуал, географик ва ҳоказолар).

UZ домени маъмури "Uzinfocom" марказининг таъкидлашича, ҳар бир тоифа домен номлари фаолияти алоҳида мувофиқлаштириб борилиши домен номларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини камайтириш ва домен номлари бўйича баҳсли масалаларни ҳал этишни таъминлайди.

Рўйхатга олиш ва домен номларидан фойдаланишнинг янги қоидаасига 2008 йилнинг 1 сентябридан ўтиш режалаштирилган.

Айни пайтда UZ ҳудудида 6900дан зиёд фаол доменлар мавжуд. Жорий йил бошидан буён ўсиш суръати 20 фоизни ташкил этди.



XALQARO HAYOT

ЗИМБАБВЕГА ИҚТИСОДИЙ САНКЦИЯ КУТИЛМОҚДА

"Катта саккизлик" давлатлари етакчилари Зимбабвега ўтказилган сайловни (иккинчи турида Роберт Мугабе галаба қозонган) ноқонуний деб топдилар ва мазкур мамлакатга иқтисодий санкция қўллашга қелишиб олдилар.

"Биз зимбабвеликлар хоши-истакларини ифодаламайдиган ҳукуматни тан олмаймиз. Мамлакатдаги бу ҳолат айбдорларига нисбатан иқтисодий чоралар қўлламоқчимиз", — дея маълум қилишди "Катта саккизлик" лидерлари Японияда ўтказилган саммитда.



Зимбабвеннинг янгидан сайланган президенти Роберт Мугабе ўз навбатида "катта саккизлик" етакчиларини ирқчиликда айблади ҳамда иқтисодий санкция билан босим ўтказишни Африка мамлакатларига ва етакчиларига нисбатан ҳақорат дея баҳолади.

Эслатиб ўтамиз, сайловнинг иккинчи турида Мугабе 85,51 фоиз овоз олиб, Зимбабве президентлигига қайта сайланган эди.

ИСРОИЛДА СУВ ТАНҚИСЛИГИ

Амалдаги йилда Исроил сўнгги 80 йил ичидаги энг оғир сув танқислигига дуч келган. Бу ҳақда Uri Shani сув ресурслари бошқармаси бошлиғи манбасига таянган ҳолда The Jerusalem Post хабар берган.

Бу ҳолга иқлим ўзгаришлари, ҳар йили 100 миллион кубометрлаб сув сатҳининг камайиши сабаб бўлмоқда.

Мутахассислар фикрича, Исроилдаги асосий чўчүк сув манбаи бўлган Тивериад кўлининг сув сатҳи жорий йилнинг декабригача кескин тушиб кетиши кутиляпти.

Тахминларга кўра, сув билан боғлиқ аҳвол 2009 йилда янада ёмонлашади. Исроил сув ресурслари бошқармаси таназулларга қарши кураш, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида сув сарфини чегаралаш ва сув нархини ошириш бўйича қоида ишлаб чиқмоқчи.

ЯНГИ КЕЛИШУВ

АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ва Чехия ташқи ишлар вазири Карел Шварценберг Чехияда Ракета ҳужумидан мудофаа тизимига кирувчи радар ўрнатиш ҳақида келишувни имзоладилар.



"Пражский телеграф" агентлиги таъкидича, мазкур келишувни Чехия бош вазири Милек Тополанек шундай шарҳлаган: "Биз Маршал режасига қўшилимай аввал қилган эдик, энди бу хатони такрорлашга ҳақимиз йўқ". Айни дамда ҳужжат чех парламенти депутатлари ҳамда мамлакат президенти Вацлав Клаус томонидан ҳам тасдиқланиши керак.

ПОРТЛАШ ПОКИСТОН ГАРДАНИДА

Қобулдаги Ҳиндистон элчихонаси ёнида содир этилган портлаш жавобгарлиги Покистон гарданига тушмоқда.

Сешанба кўни Афғонистон президенти матбуот котиби Ҳумоюн Хамидзода бу каби терактларда айрим "разведка агентликлари"нинг қўли борлиги ҳақида хабар берди. Аммо у айнан қайси мамлакат ҳақида гапирётганини айтмади.

Афғон ҳукумати Покистон разведка бошқармаси ва армиясини мамлакат ичидagi "Толибон" ҳаракатини молиявий ва бошқа кўринишларда қўллаб-қувватлашда айблаб келади. Ўз навбатида, Покистон тарафи бу айбловларни кескин рад этишдан чарчамапти.

Портлаш душанба кўни содир бўлган. Террорчи-қотил миналаштирилган автомобилни тўппатўри виза олиш учун элчихона эшиги олдида навбатда турган одамлар томон бошқарилган. Сўнгги маълумотларга кўра, 41 киши вафот этган, қўрбонлар ичида икки элчихона ходими ҳам бор. 147 киши жароҳатланган.

Интернет материаллари асосида
У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Жорий йилнинг 7-15 июн кўнлари Украинанинг Крим Автоном Республикаси Судак шаҳрида "Ҳозирги замон илм-фан, таълим ва бизнес дунёсида кутубхона ва ахборот ресурслари" мавзусида 15-Халқаро конференция ўтказилди. Конференцияда Австрия, Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Грузия, Қозоғистон, Латвия, Литва каби 40дан ортиқ давлатлардан 2000 нафарга яқин делегатлар иштирок этдилар.

SAFAR TAASSUROT LARI

ДУНЁ КУТУБХОНАЧИЛАРИ ҚРИМДА

Халқаро алоқаларни ривожлантириш, ахборот-кутубхона соҳаси бўйича таъриба алмашиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги, Республика ахборот-кутубхона маркази тасарруфидаги ахборот-кутубхона марказларининг вакиллари сифатида Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказидан мен ва Бухоро ахборот-кутубхона марказидан Мамлакатхон Самадова Украинада хизмат сафарига бўлиб, ушбу нуфузли анжуманда қатнашиш бахтига муяссар бўлдик.

Россия киноматография ва маданияти бўйича Федерал агентлиги, Инновация ва Фан Федерал агентлиги, Россия Давлат фан-техника оммабон кутубхонаси, Россия Давлат кутубхонаси, Россия кутубхоналар ассоциацияси каби 20тадан ортиқ ташкилотлар ҳомилигида ташкил этилган анжуман менда жуда катта таассурот қолдирди. Дунё кутубхоналари фаолияти, касбдошлар ҳамда кутубхоначилик соҳасига зарур бўлган ташкилотлар билан танишиш, ҳамкорликда ишлаш йўлларини ўрганиш мени қувонтирди.

Конференция давомида дастурдаги "Электрон кутубхона", "Китобишунослик, библиографияшунослик ва кутубхонашунослик", "Корпоратив ва автоматлаштирилган кутубхоналар тизими ва технологияси", "Маданият ва ахборотлар дунёсида музей ва кутубхоналар", "Кутубхоналар фондининг шаклланиши ва ахборотлар бозори" каби мавзулар қизиқарли ва фойдали маълумотлар олиш имконини яратди.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, барча иштирокчилар ҳозирги кўнда долзарб вазифалардан бири ҳисобланган кутубхоналар фондини бойитиш, сақлаш ҳамда электрон ресурслар билан тўлдириш, электрон каталог яратиш ва уни шакллантириш бўйича ҳам зарурий маълумотларга эга бўлди.

"Крим-2008" 15-Халқаро конференциясининг ташкили кўмитаси Раиса, Россия Давлат оммабон фан-техника кутубхонасининг бош директори, Россия кутубхоналар ассоциацияси вице-президенти Яков Шрайбергнинг ташкилотчилиги ва ҳар бир йўналишлар бўйича ўтказилган турли заллардаги маълумотлар ва маданий тадбирларга илмий ва ижодий ёндашилганлиги таҳсинга лойиқдир. Айниқса, конференция материаллари ҳамда ўз маърузасини китобча ва электрон вариантнинг тарқатилиши барча кутубхоначилар учун асосий кўмак берувчи манба хизматини бажарди.

2008 йил 11 июни кўни конференция дастурига асосан Симферопол шаҳрида "Турк дунёсида музей ва кутубхоналар ҳамкорлиги" мавзусидаги кўчма семинар Крим Республикасининг И.Франко номидаги илмий-универсал кутубхонасида бўлиб ўтди. Реконструкция қилиниб, янги ишга тушган кутубхонанинг ташқи кўриниши, салобати, архитектураси, гуллар билан бурканганлиги, бўлимлардаги яратилган шаро-

ит ва кутубхоначилик ишига мосланган жиҳозлар барчамизни ҳайратга солди.

Бу ерда қалбимни ҳаяжон ва ларзага солган "Бакир Чўпонзода ва турк дунёси" мавзусидаги тадбирни айтиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Турк халқи шеърини олтин фондининг етакчиси, шеърый асарлар ҳамда миллий классик адабиётлар муаллифи бўлиш билан бирга, ўз даврининг биринчи профессори ва буюк олими Бакир Чўпонзода ҳайкали олдида унга ҳурмат бажо этилди ва гулдасталар қўйилди. Улуг инсон хотираси ва ижодида бағишланган "Бакир Чўпонзода" жамғармаси томонидан эълон



қилинган "Энг яхши асар муаллифи" танловининг якуний босқичида иштирок этиш ва Фарғонада яшаб ижод этган, ҳозирда Кримда ўз фаолиятини давом эттираётган Крим муҳандис-педагоглар университети "Кримтатар ва турк филологияси" кафедраси катта ўқитувчиси, Кримтатарлар ассоциацияси раиси ўринбосари, ёзувчи Сейран Усеиновга "Кримтатар тилшунослиги, адабиётшунослиги бўйича адабий-танқидий энг яхши илмий ва ижодий асар соҳиб" номинатсияси доирасида медал ва дипломи топширишдек шарафли вазифа менга насиб этди. Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Бобур номидаги ахборот кутубхона маркази директори деб эълон қилганда залдаги кўзғалишни, мен билан учрашгандаги ҳамюртларимиз кўзларидagi қувончни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Чўнқи крим халқининг ва залда ўтирган инсонларнинг 70-80 фоизи бизнинг она юрт фарзандлари эди. Кимдир санъаткор, кимдир тадбиркор, кимдир кутубхоначи, кимдир режиссёр. Улар билан суҳбатлашганимда кетганига 10-20-30 йил бўлишига қарамай "Барибир мен Ўзбекистонда туғилганман-да, мен учун қадрли ва соғинчли" деган сўзлари қалбимни ларзага солиш билан бирга, Ватанга бўлган муҳаббатимни янада оширди.

Крим анжуманида ибратга молик кўп таърибаларнинг гувоҳи бўлдик. Ўз навбатида, биз ҳам дунё кутубхоналаридан келган ҳамкасбларимизга мамлакатимизда мустақиллик шарофати ила амалга оширилаётган турли соҳалардаги, айниқса, кутубхоначиликдаги ислохотлар, маданий-маърифий тадбирлар тўғрисида сўзлаб берганимизда, албатта, уларнинг ҳаваси келаётганлигини ҳис этдик. Янада ўз ўлкамиздан ва касбимиздан фахрландик.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Бобур номидаги Андижон вилоят
АКМ директори

Суратда: (чапдан ўнгга) Лейля ҚОДИРОВА — Кримтатар миллий кутубхонаси ходими (Наманган вилоят илмий-универсал кутубхонасида кўп йиллар ишлаган), ўртада муаллиф, Бухоро АКМ директори Мамлакат САМАДОВА.

Фикр

КИТОБ БАРЧА БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧАНЛИК ВА АҚЛ-ИДРОКНИНГ, ИЛМУ ДОНИШНИНГ АСОСИДИР, ҲАЁТНИ ЎРГАТУВЧИ МУРАББИЙДИР.

АМИР ТЕМУР

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Бунёдкорлик

ТАТУ Қарши филиали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилиб, бугунги кунда филиалда ахборот технологиялари факултети ва унинг тасарруфида учта кафедра фаолият юритиб келмоқда.

Филиал маъмурий ва ўқув биносида айна кунда қайта таъмирлаш, унинг атрофида ёрдамчи бинолар қуриш ва қайта реконструкциялаш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси қошида тузилган ишчи гуруҳ томонидан пудратчи ташкилотлар танлаб олинди. Танловда иштирок этган 37та қурилиш ташкилотидан 11таси ҳозир пудратчи сифатида иш олиб бормоқда.

Узлуксиз ва икки сменада олиб борилаётган иш кўлами ўлароқ, ҳозиргача 300 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди.

Пудратчи ташкилотлар аввало бажарилаётган ишларнинг сифатига эътибор қаратмоқдалар. Агентлик кўмагида қайта бунёд этилаётган ўқув муассасаси замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жиҳозланмоқда. Жумладан, лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, 500 ўринли мажлислар зали, 150 ўринли ошхона, кафедралар, машғулот хоналарининг қайта қурилишига алоҳида эътибор берилляпти.

Филиалга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан янги ўқув мажмуасини жиҳозлаш учун 50 донга энг сўнгги русумдаги компьютер ва машғулотларни замонавий илғор педагогик технологиялар асосида ўтишга имкон берадиган интерактив электрон доскалар келтирилди. «ЎЗИ-Қарши», «Қашқадарё Телеком» филиали ва «East Telecom» ҚҚ томонидан ҳомийлик йўли билан оптик толали алоқа каналлари, замонавий мини АТС ва интернет тизимига уланиш учун сервер мосламаларини ТАТУ Қарши филиалида ўрнатиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда филиалда «Бунёдкор» қурувчи талабалар отряди ҳам иш олиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш билан бирга, жараёнда иштирок этаётган талаба ёшларнинг моддий тарафдан рағбатлантирилиб борилишини ҳам таъминлайди.

ТАТУ Қарши филиалининг янги барпо этилаётган ўқув ва маъмурий биноси ҳудуди 4 гектардан ортиқ жойни ташкил этади. Ҳозирда замон талаблари даражасида спорт мажмуасини барпо этиш учун ҳам лойиҳалаш ишлари олиб бориляпти.

Ёшлар йилида соҳа мутахассислари тайёрлайдиган ўқув муассасаси ўқитувчи-профессорлари, талаба ёшларига муносиб совға бўлиши кўзда тутилган маскан вилоятдаги энг кўркем, замонавий иншоотлардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг Қашқадарё вилотидаги мухбири

Ҳонобод почта алоқаси тармоғи ходимлари 36 минг аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тармоқда 5та алоқа бўлими мавжуд. Уларда мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича барча шароитлар яратилган бўлиб, шаҳардаги 3013 нафар пенсионерга нафақалари ҳар ойнинг белгиланган кунларида етказиб берилмоқда.

FOTOLAVHA



Тармоқда Гулшаной Ҳайдарова, Моҳидил Абдурахмонова, Бахтиёр Тешабоев сингари ходимлар ўз ишларига масъулият билан ёндашиб, берилган топшириқларни аъло даражада бажаришяпти.

Суратларда: 1. Ҳонобод шаҳар почта алоқаси тармоғининг илғор ходими Гулшаной ҲАЙДАРОВА.
2. 1-алоқа бўлими бошлиғи Маҳмуджон ҚОСИМОВ фахрийлар билан суҳбатлашмоқда.

Тўраҳон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

Ҳикмат

КИМКИ ҚИШИЛАРГА АЙЛАДИ ЭҲСОН,
ҲАР НАФАС ЁФИЛУР РАҲМАТ ФАРОВОН.

Саъдий ШЕРОЗИЙ



GAZETADA BOSILMASA HAM...

Таҳририятимизга Қарши шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 20-уйда яшовчи меҳнат фахрийси Ҳанифа Караматова ҳамда унинг қизи, шаҳарнинг Пахтазор кичик тумани 33/25-уйда яшовчи Назира Атаевалар номидан мактуб келганди. Унда ёзилишича, 76 ёшли Ҳанифа Караматова ва турмуш ўртоғи 85 ёшли Мурод Атаевлар фарзандларидан алоҳида яшашади. Уларнинг хонадонига телефон ўрнатилмагани боис фарзандлар ота-она ҳолидан доимий хабар олиб туришга қийналишмоқда. Мактубдан жумла келтира-миз: "...телефон ўтказишга бир йил олдин ариза берганмиз. Халигача натижа йўқ. Бу билан қизиққанамизда сим тортилмаганлигини айтишяпти. Кекса ота-онанинг қўшнилариникида телефон ишлаб турибди. Шаҳар ичида туриб телефон ўтказиш олмаймиз. Болаларни юбориб йўлга илҳақ бўлиб қоламиз. Қўл телефони олиб берайлик десак, кексалар қўл телефонидан фойдалана олмайдилар. Уларнинг ҳолидан ҳар кун телефон орқали хабарлашиб туриш керак. Ушбу масала юзасидан бизга амалий ёрдам берасизлар, деб умид қиламиз."

Имконият бўлиши билан...

Биз ушбу ҳолатни батафсил ўрганиб, сўнгга бу ҳақда таҳририятга маълум қилинишини сўраб мактубни «ЎЗИ-Қарши» филиалига юборган эдик. Яқинда «ЎЗИ-Қарши» филиали директори Ж.Бозоров имзоси билан куйидаги жавобни олдик:

"ЎЗИ-Қарши" филиали Қарши шаҳри, Ғ.Ғулом кўчаси, 20-уйда яшовчи меҳнат фахрийси Ҳанифа Караматова ва Пахтазор кичик тумани 33/25-уйда яшовчи Назира Атаеваларнинг 2008 йил 24 майда таҳририятга йўллаган мурожаатига жавобан куйидагиларни маълум қилади:

Ҳозирги кунда ушбу ҳудудга алоқа хизмати кўрсатадиган 7-кичик туманда жойлашган 227-ЭАТСнинг имкониятлари тўлиқ ишлатилганлиги туфайли, станцияда бўш телефон рақами йўқ. Қўшимча телефон ўрнатиш учун станциянинг сигимини кенгайтириш

ёки янги телефон станцияси ўрнатиш талаб этилади.

Шунингдек, ўрганиб кўрилганда станциядан тарқатув жавонигача борадиган ТПП-100х2х0,4 русумли магистрал кабелда ҳамда Ғ.Ғулом кўчасигача бўлган ораликдаги ТПП-50х2 русумли тармоқ кабелидаги жуфтликлар тўлиқ ишлатилганлиги, бўш жуфтлик йўқлиги аниқланди.

Фуқаронинг телефон нуқтаси ўрнатиш учун берган аризаси ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган, имконият пайдо бўлиши билан унга биринчи навбатда телефон нуқтаси ўрнатиб берилади.

Фуқарога телефон ўрнатишга эҳтиёж жуда зарур бўлса, ҳозирча уяли алоқа оператори — "Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг Қашқадарё бўлимидан стационар телефон олиб фойдаланиши мумкин."

Мижоз манфаатини кўзлаб

"Қорақалпоқ Телеком" филиали ишлаб чиқариш бўлимида аҳолидан тушадиган хатлар, шикоят ва тақлифларни ўрганиш бўйича гуруҳ тузилди. Гуруҳга етук мутахассис, ўттиз йилдан ортиқ амалий тажрибага эга Қувонич Тулеганов раҳбарлик қилмоқда.

Мижозлар ариза ва тақлифларини ўрганиш ва тақлиф қилишда Ғани Холмуратов, Женис Данияровлар унга яқиндан ёрдам бермоқда.

— Филиалимиз бўйича 2006 йилда 1231 ариза ва шикоят тушган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 172тани ташкил қилди. 2008 йил бу кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарди, — дейди биз билан суҳбатда Қувонич Тулеганов.

Мижозлар учун юқори идора раҳбарияти ишонч телефонлари рақамлари ва манзиллари ёзиб қўйилган. Йил бошидан шикоят ва аризалар сони кескин камайди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ


Компьютер стал неотъемлемой частью нашей жизни. Появление Интернета еще больше вносит свой вклад. Интернет-магазины, новшество, которое облегчает покупку любому человеку. Так в чем же превосходство Интернет-магазинов?

Пользователю Интернет-магазина предоставляется очень объемная информация о товаре. Отпадает вероятность покупки товара, информация о котором у покупателя часто бывает только от самого продавца. Экономия времени, несомненно, один из главных преимуществ виртуального магазина. Помимо этого, клиенту предоставляется возможность сравнить товары одного типа по соотношению цены и функций. Просмотр товаров в любое время суток, не выходя из дома, позволяет сэкономить не только время, но и деньги.

Нередко продавцы просто дают на покупателя расхваливая определенный товар, чего не произойдет, когда сидишь в спокойной обстановке за компьютером. При покупке любой вещи, мы всегда стараемся узнать побольше информации от людей уже использовавших этот товар. Часто Интернет-магазины предоставляют клиентам возможность прокомментировать купленный товар, что значительно упрощает другому пользователю оценить качество товара еще до покупки. Нередко стоимость вещи в Интернет-магазине ниже, чем покупка в реальном магазине, где в стоимость учитывается определенный процент на погашение аренды помещения и заработной платы работников.

Для покупки в Интернет-магазине, покупателю требуется только

ПРЕДПОСЫЛКИ СОЗДАНИЯ ИНТЕРНЕТ-МАГАЗИНА



заполнить форму для регистрации. Далее осуществляется оплата (через различные платежные системы) и ожидание покупки.

Конечно, есть и характерные недостатки. Интернет-магазин, как и любой сетевой ресурс, может быть подвержен хакерской атаке. Но в данном случае, всегда администраторы следят за безопасностью и используют разные виды защиты

информации. Также, клиент ограничивается только картинкой предлагаемой покупки, и не имеет возможности физически оценить качество товара.

Разработчики Интернет-магазинов обращают внимание очень многим мелочам, чтобы угодить клиентам. Предлагаются разные виды систем оплаты, чтобы пользователю не приходилось лишний раз тра-

тить время на поиск способа оплаты покупки. Дизайнеры делают как можно приветливый фон магазина для клиентов. Создаются Интернет-магазины не только предлагающие разного вида товары, но и тематические, для продажи по конкретному направлению. В виртуальных магазинах часто поддерживается система скидок, где учитывается общее количество купленных вещей и сумма потраченных денег, исходя из которых, можно получить скидку на покупку другого товара.

Для владельца магазина, есть и свои преимущества. Отпадает нужда в поиске помещения, оплата труда персонала, создание благоприятной для продажи обстановки внутри помещения.

Информатизация экономики поддерживается политикой государства и лично Президентом И. А. Каримовым. 29 апреля 2004 года был издан Закон Республики Узбекистан «Об электронной коммерции». Целью настоящего Закона является регулирование отношений в области электронной коммерции.

Из вышеперечисленного нужно отметить, что появление большого количества Интернет-магазинов, только положительно отразится на удобстве их использования. И дальнейшее усовершенствование, и внедрение электронной коммерции в общественную жизнь поднимает экономику государства на более высокую ступень и соответствует требованию стандартов мировой экономики.

Дмитрий ЛИ,
магистр ТУИТ


НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Самый контрастный монитор в мире

Тайваньская Acer представила ЖК-монитор G24 с контрастностью 50000:1, что является лучшим показателем в мире для устройств этого класса, сообщает в пресс-релизе компании.

Предназначен Acer G24 в первую очередь для геймеров. Диагональ его экрана составляет 24 дюйма. Корпус монитора выполнен из оранжевого пластика.

Разрешение экрана составляет 1920x1200 пикселей, что позволяет использовать его для просмотра HD-видео. Время отклика матрицы равно 2 миллисекунды. Яркость — 400 кандел. Монитор оснащен портами DVI и HDMI.




Hitachi выпустит пятитерабайтный винчестер


Компания Hitachi намерена выпустить пятитерабайтный жесткий диск в 2010 году, сообщает TechRadar. Выполнен винчестер будет в 3,5-дюймовом форм-факторе.

При производстве пятитерабайтного винчестера планируется применять новую технологию CPP-GMR. Она позволит увеличить плотность записи информации до одного терабита на квадратный дюйм поверхности жесткого диска. В настоящее время средняя плотность записи для винчестеров составляет 200 гигабит на квадратный дюйм.

Представитель Hitachi Йосихиро Сироиси уверен, что два пятитерабайтных винчестера Hitachi по объему памяти будут соответствовать человеческому мозгу.



Напомним, что компания Hitachi стала первой, выпустившей терабайтный винчестер. Произошло это в начале прошлого года. Разработка терабайтного диска заняла у Hitachi два года.



Яндекс измеряет скорость интернета

Яндекс открыл специальную страницу для измерения параметров интернет-соединения. На странице, которая находится по адресам <http://internet.yandex.ru> или <http://inet.ya.ru> можно узнать свой IP-адрес, скорость интернет-соединения (от пользователя до Яндекса), а также получить другие технические данные — используемую операционную систему и браузер, разрешение экрана, состояние cookies и javascript и версию флеш-плеера.

Кроме измерения, пользователь может сообщить о скорости своего соединения друзьям с помощью информера. Вместе с проектом запущен специальный колдунчик, который «отвечает» на запросы «IP-адрес», «мой IP» и даже «мой айпи» данными IP-адреса и ссылкой на <http://internet.yandex.ru>, сообщает блог Яндекса.

SMS как средство предупреждения и раскрытия преступлений

Службы по поддержанию правопорядка решительно вступают в 21 век. Полицейские отделения в Бостоне, Цинциннати и более 100 других городов начали использовать линии по приему SMS, надеясь, что молодежь будет сообщать в полицию о преступлениях, которые были совершены или готовятся. «Очевидно, что будущее коммуникаций — текстовые сообщения, — рассказал представитель бостонской полиции. — Информация о наркотиках, даты, имена подозреваемых, места, сроки передачи и т. д.». Главное, чтобы полицейские не забыли выучить тот своеобразный язык, на котором англоговорящие подростки составляют SMS.

АФОРИЗМ

НЕВЕЖЕСТВЕННЫЙ ВРАЧ — ПОДРУЧНЫЙ ПАЛАЧА:
ЯД ТОЖЕ СМЕРТЬ НЕСЕТ. КАК И УДАР МЕЧА.

Алишер НАВОИ

ОЎЗБЕКИСТОН

5.55 Курсултур дустури.
6.00 «Косалом, Ўзбекистон»
7.00 «Илм»
7.05 «Янги тақдир» Т/с.
7.45 «Дилуш наволар»
8.00-8.30 «Айборт»
8.35 «Олтин мерос»
8.40 «Ур мақаралари» Т/с.
9.20 «Илор»
9.25 «Ўзбекистон табияти»
«Болалар сайраси»
9.50 «Уила, Илла, Топ!»
10.30 «Акс-ука Гримм эрталари» М/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00 «Айборт»
11.10 «ТВ шафокор»
11.15 «Хайт синовлари» Т/с.
11.50 «Айборт» Англия/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
12.50 «Илм»
13.00 «Муҳаббат ва актирос» Т/с.
14.00 «Айборт»
14.20 «Олтин мерос»
14.25 «Олам ва одам» дустури: «Мам-мам оловчилари»
14.50 2008 йил - Ёшлар йили. «Ўзбекистон ёшлари» 1-қисм.
15.35 «Завитат»
16.40 «Ўзбекистон табияти»
17.00 «Айборт»
17.15 «Олтин мерос»
17.20 «Фара ва қара»
«Болалар сайраси»
17.40 «Худудлар халати»
17.55 «Худудлар халати»
18.10 «Ур мақаралари» Т/с.
18.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг 17 йиллиги оидида «Зақон-додили»
19.10 «ТВ шафокор»
19.15 «Ойларлар сукумал»
19.25 19.55 20.55 Шынолар.
19.30 «Айборт» /рус/.
20.05 «Олтин мерос»
20.10 «Хайт синовлари» Т/с.
21.00 «Айборт»
21.30 «Оддамлардан бери»
21.50 «Муҳаббат ва актирос» Т/с.
22.55 «Илм»
23.00 «Кушанимиз, муҳаббат» /SMS/.
23.15 «Янги тақдир» Т/с.
23.55-00.05 Тунги наволар.
«Ўзбекистон»
00.05 Курсултур дустури.
00.10 «Ортин буйлаб» дустури: «Сулало дилчиликчи»
00.40 «Чампион»
01.00 «Айборт» /рус/.
01.30 «Олтин мерос»
01.40 «Аллул худ Мирзо Улуғбек» Спектакль. 2-қисм.
03.00 «Айборт» Англия/
03.10 «KINOMANIYA»
03.40 «Истидад»
04.00 «Айборт»
04.30 «Мине бар ривоят»
04.35 «Олтин мерос»
04.45 «Ўзбекистон табияти»
05.05 «Ур мақаралари» Т/с.
05.45-06.55 Тунги наволар.



Қадрли телекоммуникациялар!
Программа телекоммуникациялар билади.
15 июл куни «Ушбага» телеканали,
ушбага курсултур дустури,
сикт 15.55 дан бошлади
15.55 «Ватин мерос»
16.00 «Дир»
16.10 «Музыкалий дунё»
16.35 «Ойоник Тошкентин»

16.40 «Ёшлар симфонияси»
16.50 «Келаски эгалари»
17.00 «Камолот»
17.10 «Набат олами»
17.20 «Кул меҳри»
17.45 «Матонат»
18.00 «Мафун» Т/с.
18.45 «Муши мултоз»
18.55 «Улг немест»
19.00 «Дир»
19.30 «Монь оқоими» Т/с.
20.10 «Жанат ўлкам»
20.15 «Ултонлар»
20.20 «Автопатруль»
20.40 «Ёшлар навои»
21.00 «Тошкент-2200»
21.05 «ЎзБХ хабарлари»
21.10 «Жумон» Т/с.
21.55 «О, ёшнинг!»
22.00 «Дир»
22.30 «Футбол-2008»
23.00 «Севинглар» Т/с.
23.35 «Юрт пелечини»

СЕРВИС

17.50 Курсултур тартиби.
17.55 Мультифильм: «Жирол шер-2», 5-қисм.
18.05 21.50 «Телекүрес» - маркет.
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтат»
18.50 «Эксперимент» Т/с.
19.20 «ТВ оқиш»
19.25 «Муши SMS»
19.50 «Жумон»
20.00 «Пойтат» /рус/.
20.15 «ТВ оқиш» /рус/.
20.20 «Минглар» Т/с. /рус/.
20.50 «Репортаж»
21.00 «Холмиза»
21.30 «Пойтат»
21.45 «Уиларин»
22.10 «O'zbektelefilm» намоиш этади.
«Анор-халт суви»
22.30 «Пойтат» /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50-00.45 Кино: «Сизин Уайт».

SPORT

7.00 «Бадор утро»
8.00 «Хабарлар» (рус. тил)
8.25 «Малахов +»
9.30 «Хабарлар» (узб. тил)
9.50 «Сериал «Челси»»
11.30 Велоспорт. Тур де Франс.
12.00-12.20 Миллий астрада симфония оркестрининг концерт дустури.
18.00 Мультифильм.
18.10 «Спортинг маликалари»
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.50 «Мушикий тайм»
19.15 «Спорт салтанати»
19.40 «Жил мен»
20.30 «Бизнес-ревио»
20.40 «Благород» Сериал.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.50 Волейбол. Мировая лига. Мужчины.
22.30 Детективное кино: Мисс Марпл «Тайны Коринского залива». Х/ф.
00.20 «Тунгиз ошди булсини»

БИРИНЧИ

4.00 8.05 Тележурнал «Доброе утро»
8.00 11.00 14.00 Новости
8.25 «Малахов +»
9.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.25 «Агент национальной безопасности» М/ф.
12.20 «Детективы»

13.00 Другие новости
13.20 «Понят. Простит»
14.15 «Орай Асқаров. Личная жизнь»
15.00 «Огонь любви» М/ф.
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорит»
18.10 «След»
18.55 «Монстростро» М/ф.
20.00 2.00 Время
20.30 «Неизвестный» М/ф.
21.30 «Сеть» М/ф.
22.25 «Офис»
22.50 Х/ф «Доказательства смерти»

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия»
7.55 «Битва над океаном»
8.50 Т/с «Угон»
9.45 16.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00 13.00 16.00 19.00 ВЕСТИ.
МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ
10.45 Т/с «Угон»
11.45 Роман «Вечный зов»
12.50 «Ну, погоди!» Мультифильм.
13.20 16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ.
МОСКВА.
13.40 Т/с «Взрослые игры»
14.35 «Судият»
15.30 «Кулаки и партнери»
17.05 «Женщина без прошлого» Т/с.
18.00 «Родные люди» Т/с.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 Т/с «Колдовская любовь»
20.55 Роман «Пером и шапкой»
21.55 «Николай Толстой. Русский граф из английской глубины»
22.50 Фестиваль «Славянский базар - 2008» Международный конкурс исполнителей эстрадной песни.
0.15 «ВЕСТИ»
0.35 Х/ф «Русский бунт»
3.10 «Дорожная патруль»

НТВ

5.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
7.05 Сериал «БАЛЪЗАКОВСКИЙ ВОЗРАСТ, ИЛИ ВСЕ МУЖИКИ СВОИ...»
8.00 Сериал «ЭЗРПОРТ-2»
9.00 12.00 15.00 18.00 21.40 «СЕГОДНЯ»
9.25 «МИСТОСЕРДНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
9.55 Сериал «ОСТРОГ. ДЕЛО ФЕДОРА СЕЧЕНОВА»
12.35 Сериал «МОРСКИЕ ДЬВЯВЛЫ»
13.35 «СУД ПРИСЯЖНЫХ»
14.30 17.30 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15.35 Сериал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА»
18.40 Остросюжетный сериал «МЕНТ В ЗАКОНЕ»
20.40 Детективный сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК»
22.00 Сериал «ПРОКЛЯТЫЙ РАЙ»
23.55 «ГЛАВНАЯ ДОРОГА»
0.30 Х/ф «КОНТАКТ»

КУЛЬТУРА

3.30 «ЕВРОНЮС»
7.00 16.30 20.30 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
7.20 «В ГЛАВНОЙ РОЛИ»
7.40 22.50 Программы перед
7.50 «По китайскому Шелковому пути» Т/с.
8.45 «Обыкновенная Арктика» Х/ф.
11.25 «Мурин Иден. Телеспектакль»
12.30 «Театральная летопись» Леонид Боневский. Часть 1-я. Х/ф.
13.00 «Звездный пёс» М/с. (Австралия, 2006).
13.25 «Просто так» Мультифильм.
13.30 «Полохое лето» Т/с.

14.25 «Неизвестное об известном» Т/с.
15.05 ЛАУРЕАТЫ-2008. I Международ-
ный конкурс баритонов им. Павла Лиси-
цкого.
16.00 «Империя Корольев» Т/с.
16.50 «Угрюмые боги» Т/с.
17.45 «Пани Малеюка» - чешская Ране-
ская» Д/ф.
18.25 «Шерлок Холмс и доктор Ва-
сон» Т/с.
19.35 «Герман, сын Германа». Переда-
ча 2-я.
20.00 КТО МЫ? «Премьера русского аб-
сурда». Передача 3-я.
20.55 «Седьмая печать» Х/ф.
22.30 Музыкальный момент. И.Альбенис.
«Испанская рапсодия»
22.55 «Угрюмые боги» Т/с.
23.45 «Перфид и Фом» Мультифильм

ОСТС

7.00 М/с.
8.00 11.30 18.00 Т/с. «МОЯ ПРЕКРАС-
НАЯ няня»
8.30 20.00 Т/с. «ПАЛЫЧИ ДОНЧИ»
9.00 21.00 «РЫБАКА» Мелорамы.
10.00 19.30 0.40 1.00 «Б кадры»
10.30 22.00 «АТЛАНТИДА» Драма.
12.30 «ДОНЧИ-МАТЕРИ» Драма.
13.30 Т/с. «ВСЯ ТАКАЯ ВНЕЗАПНАЯ»
14.00 М/с.
17.00 Т/с. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ
ВЕДЬМА»
17.30 «Галилео»
18.30 «ДОКТОР КТО» Т/с.
22.58 Осики
23.50 Х/ф. «ПЕРПУТАННЫЕ НАСЛЕДИ-
КИ»


ТВ3

7.00 М/ф.
10.00 16.00 Т/с. «БАФФИ - ИСТРЕБИ-
ТЕЛЬНИЦА ВАМПИРОВ»
11.00 Х/ф. «КЛУБ «РАЙ»»
13.00 Д/ф. «Разрушители мифов»
13.30 18.00 Т/с. «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА»
15.00 20.00 Т/с. «КОСТИ»
17.00 «Улси»
19.00 0.00 Т/с. «ЗА ГРАНИЦ ВОЗМОЖ-
НОГО»
21.00 Д/ф. Тайные знаки. Заговоренная
скульптура Страдивари.
22.00 Х/ф. «ПОД ГИГИНОЗОМ»
1.00 Х/ф. «САЛЕМСКИЕ ВАМПИРЫ»

THT

5.00 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ»
Теленовелла.
5.55 Глобальные новости.
6.00 16.00 Такси.
6.30 «Ох уж эти детки» 78-я серия.
7.00 18.30 Москва. инструкции по при-
менению.
7.30 «Необъяснимо, но факт» «Жизнь
на двоих»
8.30 9.00 12.30 17.00 19.00 19.30 «СЧА-
СТЛИВЫ ВМЕСТЕ»
9.30 «ГУМАНОВИДЫ В КОРОЛЕВЕ» -
ДАВА ЗАКУМОВ, Т/с.
10.00 М/с.
12.00 «Топалый Спайк» 50-я серия.
13.00 «Женская лига: парни, деньги и
любовь» Комедия.
13.30 20.00 22.40 «Дж-2»
14.50 «ЧЕЛОВЕК ГОДА» Комедия.
17.30 «ГУМАНОВИДЫ В КОРОЛЕВЕ»
«ВЗЯТЫ ГЛАДКИ» Т/с.
21.00 «ДОКТОР ДЖЕКИЛ И МИССИС
ХАЙД»
23.15 «САША + МАША» Комедия.
23.45 Наши песни.
23.50 «Запретные ритуалы» Т/с.

Хабар + tv




ДУШАНБА — 14 ИЮЛ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Йўлим»
7.05 «Йил тақдир» Т/с.
7.45 «Дилгуш наволар»
8.00-8.45 «Таджикнома»
8.50 «Олтин мерос»
8.55 «Январи»
9.00 «Ўзбекистон табияти»
«Болалар сайераси»
9.20 «Болалар дунёси»
9.40 «Кутил қор ёқанда» Б/ф.
11.00 «Айборт»
11.10 «Ватанлар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
12.50 «Йўлим»
12.55 «Олам ва одам» дастури «Замин
нароҳатлари»
14.00 «Айборт»
14.20 «Олтин мерос»
14.25 «КиноТеатр»
14.50 «Чекор» Б/ф.
15.50 «Муҳаббат қадимлоқлар»
16.20 2008 йил «Ёшлар йили» «Қамолот
осқани»
16.40 «Ўзбекистон табияти»
17.00 «Айборт»
17.15 «Олтин мерос»
17.20 «Илқотлар инсон умин»
«Болалар сайераси»
17.40 «Эрталаб» «Ишлагайотганлар»
18.00 «Сўнгинг адвокатлари»
18.05 «Умр манқаралар» Т/с.
18.45 «Бир кун»
19.10 «ТВ шифорлар»
19.15 «Сўнгинг орада»
19.25 19.55, 20.55 «Элчилар»
19.30 «Айборт» /рус/
20.05 «Олтин мерос»
20.10 «Хайт сингаллар» Т/с.
21.00 «Айборт»
21.30 «Муҳаббат қадимлоқлар»
21.50 «Муҳаббат ва ахирис» Т/с.
22.55 «Йўлим»
22.55 «Қўшнимисан, муҳаббат» /SMS/
23.15 «Йил тақдир» Т/с.
23.35 00.05 Тўғил наволар.
«Ўзбекистон»
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Ватанлар»
01.00 «Айборт» /рус/
01.30 «Олтин мерос»
01.40 «Ёшлар мейрамин»
02.40 «Йўлгуш адиб Мирзо Улубек»
Синглов, 1-қисм.
04.00 «Айборт»
04.30 «Минг бир ривоят»
04.35 «Олтин мерос»
04.45 «Ўзбекистон табияти»
05.05 «Умр манқаралар» Т/с.
05.45-05.55 Тонгги наволар.



6.55 «Ватан мери»
7.00 «Давринг боласи»
7.10 «Тайл туфли»
9.10 «Милетий мерос»
9.15 «Озодон Тошкентим»
9.20 «Йил оқшони» Т/с.
9.55 «Сўран кулларин»
10.10 «Ёшлар мейрамин»
11.10 «Ватанлар»
12.00 «Жуман» Т/с.
12.40 «Қўшним беги»
13.00 «Дар» Хўфта аяни.
13.30 «КЮМАГАЛУ»
14.00 «Тоғлар ва Зурар» Б/ф.
15.35 «Хайт сингаллар»
15.55 «Милетий мерос»
16.00 «Дар»
16.10 «Муҳаббат дунёси»
16.35 «Шоҳ дарвозаси»
16.40 «Сотил боқил»
17.00 «Ёшлар мейрамин»


18.00 «Мирфана» Т/с.
18.45 «Мулқул мулоҳи»
18.55 «Улғу немат»
19.00 «Дар»
19.30 «Йил оқшони» Т/с.
20.10 «Ардоқ»
20.15 «Элчилар»
20.20 «Қошқим эгалари»
20.30 «ТВ беги»
20.40 «Ёшлар навои»
21.00 «Тошкент-2200»
21.05 «ЎзБЕХ хабарлари»
21.10 «Жуман» Т/с.
21.55 «О, қўшним!»
22.00 «Дар»
22.30 «Тошкент оқшони»
22.35 «SMS-музыка»
23.00 «Саманларлар» Т/с.
23.35 «Қўшним»



17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультифилм «Қирол шир-2», 4-қисм.
18.05 21.50 «Телекўраб» - маркет.
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Полиат»
18.50 «Смеральда» Т/с.
19.20 «ТВ юсти»
19.25 «Саломат SMS»
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/
20.00 «Полиат» /рус/
20.15 «ТВ юсти» /рус/
20.20 «Миллар» Т/с. /рус/
20.50 «Интервью»
21.00 «Жоизба»
21.30 «Полиат»
21.45 «Январи»
22.10 «Анн катби»
22.30 «Полиат» /рус/
22.45 «Кино SMS со звездками»
22.50-00.30 Х/ф «Фантомас против
Скотланд-ярда»




7.00 «Бодаро урор»
8.00 «Талани»
8.25 «Милетий мерос»
9.30 «Вирган»
10.00 «Сериал «Чусток»
11.40 «Волосорт» Тур де Франс.
12.10-12.40 Бодаро пово. Чемпионат
Европы. Мухомев. Полувивел.
18.00 «Тет-а-тет»
18.10 «Спорт - меннинг хайлим»
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.50 «Музыкал тайм»
19.10 Футбол. Чемпионат Россия.
«Спартак» (Москва) - ЦСКА.
20.50 «Бизмас рово»
21.00 «Футбол шарин»
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.50 «Волосорт. Мировая лига»
Мухомев.
22.30 Детективный сериал «Мисти» Х/ф.
23.45 «Тунгизни ошди бўйсиз»




4.00 8.05 Телеканал «Доброе утро»
8.00 11.00 14.00 Новости
8.25 «Милетий мерос»
9.25 «Милетий мерос»
10.25 «Контрольный залука»
11.25 «Алтин навоиларини безалоқона»
М/ф.
12.20 «Детектив»
13.00 Дилуна новост
13.30 «Понят. Простит»
14.15 «Совы драконини сарбани»
15.00 «Сотил боқил» М/ф.
15.55 «Федеральный судан»
17.00 Вечерние новости


17.15 Жўн мени
18.10 «Силар»
18.55 «Монтекарло» М/ф.
19.35 Футбол. «Рубин» (Казань) - «Сатурн» (Московская область)
22.30 Футбол. «Анкар» (Пермь) - ЦСКА
00.30 «Сборная России». В. Дятчин.
03.10 Регби.
05.10 «Сборная России». В. Дятчин.

Пайшанба

05.40 Футбол. «Луг-Энергия» (Владивосток) - «Зенит» (Санкт-Петербург)
07.45 10.00 14.05 17.25 22.50 02.00
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/с «Волебник Изумрудного города»
08.35 М/с «Последний из могикан»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Путь Дракона»
10.45 Футула стрельба.
11.50 Плавный бассейн.
14.20 02.10 «История Олимпийских игр. Сеул. 1988 год»
15.45 Футула стрельба.
16.55 01.30 «Точка отрыва»
17.40 Плавный футбол. ЧМ. Италия - Соломоновы острова.

18.40 «Рубалка с Радзисhevским».
18.55 03.40 Легкая атлетика.
Чемпионат России.
23.10 Плавный футбол. ЧМ. Франция - Сенегал
00.20 Гольф. Европейский профессиональный тур среди ветеранов.

Жума

05.40 Футбол. «Анкар» (Пермь) - ЦСКА
07.45 10.00 14.20 17.25 22.15 01.50
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/с «Наргис»
08.35 М/с «Последний из могикан»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.15 «Точка отрыва»
10.45 Футула стрельба. Кубок России.
12.05 Плавный волейбол. Чемпионат России.
14.30 03.10 «История Олимпийских игр. Сеул. 1988 год»
15.30 «Рубалка с Радзисhevским»
15.45 Футула стрельба. Кубок России.
16.50 «Футбол России. Перед туром»
17.40 02.05 Плавный футбол. ЧМ. Россия - Аргентина.
18.45 04.10 Легкая атлетика. Чемпионат России.
22.35 «Вести-спорт. Местное время»
22.40 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Россия - Корея.
00.40 Плавный футбол. ЧМ. Бразилия - Испания.

Шанба

05.55 Футбол. «Рубин» (Казань) - «Сатурн» (Московская область).

06.00 10.00 13.55 15.55 23.00 02.35
«Вести-спорт»
08.10 17.10 02.50 Легкая атлетика.
10.20 23.20 «Вести-спорт. Местное время»
10.15 Футула стрельба.
11.20 «Футбол России. Перед туром»
12.00 23.25 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Россия - Корея.
14.10 «Собрание Олимпийских союзов. Том 3. Дуэль и противостояния»
15.00 Регби.
20.55 Футбол. «Зенит» (Санкт-Петербург) - «Анкар» (Пермь)
01.25 Плавный футбол. ЧМ. Сенегал - Уругвай

Якшанба

05.50 Гольф. Европейский профессиональный тур среди ветеранов.
06.00 10.00 14.55 18.10 21.40 01.00
«Вести-спорт»
08.10 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Россия - Корея.
10.10 22.00 «Вести-спорт. Местное время»
10.15 «Страна спортивных»
10.45 «Буа дзорей»
11.25 15.55 Легкая атлетика. Чемпионат России.
12.55 Футбол. «Луг-Энергия» (Владивосток) - «Динамо» (Москва)
15.05 «Собрание Олимпийских союзов. Том 4. Большие скаканы»
18.25 Плавный футбол. ЧМ.
19.35 ПБ. Кузнецов Тойгонбаев (Узбекистан) - Хасан Матулла (Таджикистан)
20.40 03.20 Плавный футбол.
22.10 04.30 Плавный футбол. ЧМ
23.10 01.10 Легкая атлетика. Чемпионат России.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

ЖАНОН РОСНТАСИ

ИСТИҚБОЛЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР

Бутунжаҳон почта иттифоқи маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда сайёрамизнинг 3 миллиард аҳолиси молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум. Яна 200 миллион киши ўз уйи, ватанидан узокда яшаб, ишлайди ва ҳар ойда оиласига, яқинларига пул жўнатиб туради. Ривожланаётган мамлакатларда чет элдан мигрантлар жўнатаётган пул миқдори йилига 150 миллиард АҚШ долларидан ошади — бу мазкур мамлакатларга юксак тараққий этган давлатлар кўрсатаётган ёрдам пулидан уч барабар кўпдир.

Самарали ва арзон молиявий хизматлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларидан фойдаланиш имкониятининг яратилиши замонавий дунёда жуда долзарб аҳамиятга эга, зеро, шу йўл орқалигина мамлакатлар иқтисодий янада юксалтириш, ривожланаётган мамлакатларда қашшоқлик даражасини пасайтиришга эришиш мумкин. Аксарият мамлакатларда юқоридаги хизматлар нафақат аънавий молия муассасалари, балки почта хизматлари томонидан ҳам йўлга қўйилган, ҳатто баъзи почта хизматлари исталган банкка қараганда кенгрок ривожланган тармоққа эга.

Европа почта хизматлари мижозлар илк бора пул жўнатиш имкониятига эга

бўлган 1878 йилдан молиявий хизматларни кўрсатишни бошлаган. Тўғри, у пайтда электрон пул ўтказмалари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ҳозирга келиб эса жаҳон почта хизматларининг ҳар учтадан икkitаси молия муассасаси ҳам ҳисобланади — уларда тўловлар амалга оширилади, кредит берилади ва нихоят 600 мингдан ортик почта бўлимини бирлаштирувчи глобал тармоқ орқали халқаро пул ўтказмалари хизматлари кўрсатилади. Айни пайтда почта банклари йилига умумий қиймати 2 миллиард долларни ташкил этувчи 10 миллиарддан зиёд транзакцияларни амалга оширапти. Дунёнинг аксарият мамлакатларида почта хизмат-


лари ўз банкларига эга. Юксак тараққий этган мамлакатларда бу молиявий институтлар турли-туман хизматлар кўрсатиш қаторида, бошқа банклар билан жиддий рақобатлаша олади. Ривожланаётган мамлакатларда эса почта банклари жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этади. Улар аҳолининг турли қатламлари учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яратиб беришади.

Албатта, глобаллашув жараёни тезлашиши, янги технологияларнинг тобора кўп татбиқ этилиши энди-энди оёққа тураётган ёш мамлакатларда ҳам почта хизматларини такомиллаштиришда, қўшимча хизматлар жумласига кирувчи молиявий амалиётларда аҳолининг барча қатламлари фаол иштирокини таъминлашда улкан истиқбол эшикларини очади. Почта молиявий хизматлар бозорининг иқтисодийдта тутган ўрни ҳақида сизда янада тўлиқ тасаввур уйғотиш учун ҳикоямизни хориж тажрибаси, аниқроғи, Япония, Бразилия, Германия ҳамда Швейцарияда амалга оширилаётган ишлар билан таништириш орқали давом эттирамиз.

ALOQA OLAMIDA

50 МЕГАПКСЕЛЛИ ФОТОКАМЕРА

Hasselblad компанияси бир сонияда битта уч юз мегабайтлик сурат оладиган 50 мегапкселли фотоаппарат (H3DII-50) тақдиротини ўтказди. Фотокамерага уч дюймлик дисплей ўрнатилган.




Фотоаппаратнинг 36x48 миллиметрлик матрицаси Kodak компаниясида тайёрланган. Жорий йилнинг октябр ойида сотувга чиқадиган H3DII-50нинг нархи 37 минг доллардан кам бўлмаслиги аниқ. Чунки аввалроқ чиқарилган 39-мегапкселли H3DII-39 худди шу нархда сотилган эди.

Аммо 50 мегапкселли камера чегара эмас экан. 2006 йили DALSA компанияси 111 мегапкселли матрица, Seitz компанияси эса 160 мегапкселли сурат олиш имкониятини берувчи рақамли камера ишлаб чиққан эди.

400 ГИГАБАЙТЛИК ДИСК

Pioneer корпорацияси 400 гигабайт сизимга эга оптик диск прототипини ишлаб чиқди. Диск ҳар бири 25 гигабайтлик ўн олти қатламдан иборат.



Айни пайтда диск фақат компьютер "ўқиши" учун мўлжалланган, бироқ келгусида бу технология маълумотларни дискка кўчиришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ҳозирда амалда қўлланилаётган энг кўп сизимли Blu-ray дисклари икки қатламли бўлиб, 50 гигабайтгача маълумот сақлай олади.

ЗАВОДНИ ЁПГАН УЧУН 40 МИЛЛИОН ЕВРО

Nokia компанияси ва Шимолий Рейн-Вестфалия (Германия) федерал ери субсидия борасидаги ўзаро келишмовчиликка барҳам берилгани ҳақида хабар тарқатишди.

Компания Бохумдаги мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи заводида ёпишга қарор қилганидан сўнг федерал ер ҳукумати чет эл концерни иш жойлари очиб ўн олинган субсидияларни қайтаришда барча шартларни бажармагани тўғрисидаги даъво билан чиққанди. Германия ОАВлари таркатган хабарга кўра, эндиликда Nokia мазкур худудга 40 миллион евро инвестиция киритиш мажбуриятини олган. Бу ҳукумат сўраганидан 20 миллион евро камдир.

БАТАНПАРВАР ҲИНДЛАР


Ўз телефонларига давлат мадҳиясини кўчириб олган ва ундан рингтон (телефон кўнфироғи) сифатида фойдаланувчи Ҳиндистон фуқаролари баъзи бир муаммоларга дуч келишмоқда.

Шуни айтиш керакки, ватанпарварликни тарғиб қилувчи оҳанглар Ҳиндистонлик мобил телефон фойдаланувчилари орасида ҳозир жуда оммалашган. Бироқ, қонунга кўра, масалан, давлат мадҳияси ижро этилаётганида барча фуқаролар ўрниларидан туришлари ва тик турган ҳолда тинглашлари шарт деб белгиланган.

Яқинда оммага давлат байроғидан фойдаланишга рухсат берилди, аммо шунда ҳам қонун талаблари бузилмаслиги шарт қилиб қўйилди.

Япония

Япония Почта хизматининг молиявий бўлинмиси жаҳондаги энг йирик омонатлар сақланувчи банклардан бири — унинг жамғармаси 3 триллион АҚШ долларидан ошади. Яқинда хусусийлаштирилиш арафасида турган Япония почта банки омонатлар сақлашдан ташқари, бошқа турдаги молиявий хизматларни ҳам йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Мамлакат қонунчилигига кўра, Почта банки хусусийлаштирилгунга қадар фақат хусусий мижозлар учун депозит ҳисоблар очиб ҳамда чекланган миқдорда ссудалар беришга ҳақли. Аммо депозитлар банкидаги умумий маблаг (1,616 миллиард доллар)дан кўриниб турибдики, у жаҳондаги энг йирик банкка айланади. Банкнинг келгусидаги муваффақияти Почта хизматини хусусийлаштириш билан шуғулланаётган ҳукумат комиссияси ва Ички ишлар вазирлиги унга бозорнинг қайси тармоқларига кириш имкониятини беришга ҳар томонлама бoғлиқ. Масалан, муддатли хусусий кредитлаш соҳаси айнан Почта банки фаолият бошлашни режа остига олиб қўйган бозор ҳисобланади. Айни пайтда бу соҳада фоиз ставкалари жуда пастлиги боис аҳолининг банкларга омонат қўйиш жараёни мамлакат бўйича сустлашиши кузатиляпти. Яқинда Япония почтаси "Сугура-банк" билан ҳамкорликда мижозлари учун ипотекали кредитлаш, кредит карталари чиқариш ва кичик бизнесни кредитлаш бўйича молиявий хизматларни йўлга қўйишни маълум қилган. Ташкилотдагилар бу соҳада бошқа хусусий молиявий институтларга жиддий рақобат туғдира олишларига ишончлари комил. Дарҳақиқат, ипотекали кредитлаш хизмати доимий мижозлар орттиришнинг энг самарали усули — одатда ипотека олувчилар бошқа хизматлар учун ҳам айнан шу банк хизматидан фойдаланишади. Японияда ипотека бўйича кредит бериш фоиз ставкалари жуда паст (35 йилга берилган кредит — ўртача 3 фоиз) бўлишига қарамасдан, бу хизмат яхши самара бериши кутиляпти. Чунки дефолт даражаси Японияда жуда паст. Хусусий кредитлар ва кичик бизнесга ссудалар бериш ҳам банк фаолияти учун истиқболли бозорлардан саналади.



(Давоми бор.)

Айни пайтда Андижон вилояти туман ва шаҳарларида, айниқса, Андижон шаҳрида янги-янги иншоотлар барпо қилиниб, шаҳар кўркига кўрк қўшилиб бормоқда. Ободонлаштириш ишларига вилоят «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам четда турмай, ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ёшлар диққат-марказимизда

Ҳозирги кунгача Андижон шаҳридаги 30га яқин матбуот дўкони янги усулда таъмирланиб жиҳозланди. Бу тадбир вилоятнинг барча туманларида давом эттирилади.

Жамиятимиз шаҳар-туман бўлимлари раҳбарияти ва ходимларининг саъй-ҳаракатлари эвазига вилоят ташкилотимиз 2008 йилга обунани ташкил этиш ва расмийлаштириш бўйича республика турдош корхоналари ўртасида фахрли ўринни эгаллади. Шу муносабат билан «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори номидан вилоят ҳокими А.Усмонов номига ташаккурнома хати юборилди.


Бу жамоани руҳлантириб, халқимизга наشرлар чакана савдоси ва обунаси борасида юқори даражада хизмат кўрсатишга ундади. Айниқса, Ёшлар йили муносабати билан жорий йилда жамият ёш ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус дас-

тур ишлаб чиқилди. Бу ишларга 2008 йил учун 3,5 млн. сўм ажратиш кўзда тутилди. Жамиятда 13 нафар ёш ходим фаолият кўрсатиб, уларнинг 2 нафарига санаторий-профилакторийга йўлланма берилади, 4 нафарининг соғлиғини тиклаш учун шарт-шароит яратилади, 10 нафар ходимнинг болалари учун эса ёзги оромгоҳларда дам олиш ташкил этилади.

Шунингдек, ёшларнинг маънавий-маърифий салоҳиятларини ошириш ҳам жамият маъмуриятининг эътиборида бўлмоқда. Жумладан, шу йилнинг феврал ойида буюк сиймолар — Алишер Навоий ва Бобур Мирзо ҳамда апрел ойида соҳибқирон Амир Темур бобомиз туғилган кунларига бағишлаб ўтказилган тадбирлар ёшларни буюк тарихимиздан бохабар қилишда катта рол ўйнади.

Восит АХМАДХОНОВ,
«Xabar»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

ЭНГ КАТТА ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ



Испаниянинг Сарагоса шаҳрида дунёдаги энг катта қуёш батареяси ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Жорий йилнинг кузида ўрнатиб бўлинадиган ва миллион квадрат метрдан ортиқ жойни эгаллайдиган бу батареянинг қуввати 12 мегаваттни ташкил қилади. Унинг жиҳозларини Американинг Energy Conversion Devices компанияси етказиб берапти.

TESTOLOG-SERVIS

ЎҚУВ МАРКАЗИ

● АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ БАРЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРЛАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ МАХСУС КОМПЬУТЕР ДАСТУРИ ЁРДАМИДА АНИКЛАБ БЕРАДИ.

● ИНГЛИЗ ТИЛИ (СЎЗЛАШУВ, ГРАММАТИКА) 3 ОЙЛИК ЎҚУВ КУРСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

● ЮҚОРИ МАЛАКАГА ЭГА БЎЛГАН УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ 2008/2009 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА ЮҚОРИ МАОШЛИ ИШГА ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси,
53-Б уй, 20-хона.
Телефонлар: 253-15-25, (+99897)111-00-40.

E-mail: Testolog-uz@rambler.ru



ХАЁТДАГИ БИРДАН БИР БАХТ - БУ ДОИМО МАҚСАД САРИ ОЛГА ИНТИЛИШДИР!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

«Universal Ta'lim»

Ўқув маркази қуйидаги интенсив ўқув бўлимларида таклиф қилади:

1. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:

(фақат яқка тартибда)

- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонуничилиги, компютер, интернет).
- **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint, Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
- **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
- **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури. 1-2 ой, 1 ойга — 40-50 минг сўмдан.
- **WEB-сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver)** - 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI)** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм (нондан баланстанча).
- **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм ва бошқа дастурлар...

2. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дас берадилар)

- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонуничилиги, компютер, интернет).
- **Бухгалтер - молиячи (бош ҳисобчи даражасида)** - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нондан баланстанча, Компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
- **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.
- **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** -

шартнома асосида.

- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер, Ҳужжатлаштириш, Меҳнат қонуничилиги, Бизнеснинг ҳуқуқий асослари, Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Кадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, меҳнат қонуничилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

3. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:

(фақат кичик гуруҳларда)

- **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Электромонтер** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Уяли телефонларни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
- **Уяли телефонларни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
- **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яқка тартибда, заргар ўргатади.
- **Сартарош-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тирноқлар ва кийриклари ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқка тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Фармацевтика** (Компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тиббиёт ҳамшираси, массажи** - (Компютер ва интернет билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиш поликленикада.
- **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.

- **Астарли устки кийимлар тикиш** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Ўй ва оқшом қўйлаклари тикиш** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яқка тартибда).
- **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор - 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Кўлда кийим-буюмлар тўқувчи** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Бисер усулида каштачи-безакчи** - (олий курси билан) 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Зардўзлик** - (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Машинада ва кўлда кашта тикиш** (вишивка) - 3 ой, 1 ойга 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Ўйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Пазандачилик** - (пишириқлар, торлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм (яқка тартибда).

4. ТИЛЛАРИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:

- (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
- **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чуқур ўрганиш) тид-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Немис, француз, инглиз, рус, корей, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 100 минг сўм.

- Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданок бошланади.
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилaysиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақида ғувоҳнома талаб қилинади. Тулов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!
- Сертификат — диплом берилади.
- Кабул: 9:00-19:00, дам олиш куни — яқшанба. Ётоқхона - 1 ойга 25-30 минг сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 13-уй.
КЕЛИШ ЙЎЛИ: Автобус: 77. Трамвай: 9.
Тролейбус: 6. Маршрутка: 98, 132, 15, 134, 40, 81, 12, 98. Метронинг «Ҳамза» бекати.
Мўлжал: «Flagman» кафе-ресторанининг унг томонидаги 13-уй.

Тел.: 273-91-60(факс), 273-44-26.

Лицензия № АСУЗ 00192200ТТ0002-05

ШАРТ-ШАРОИТЛАР

МУҲАЙЁ... БУ ЁҒИ

ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ!

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиали 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Филиал Фаргона водийсида ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари, радиоалоқа ва телекоммуникация соҳалари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрловчи ягона олий ўқув юрти ҳисобланади.

Филиалнинг ахборот технологиялари факултети таркибида бта: "Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар", "Табиий фанлар", "Амалий информатика", "Ахборот технологиялари", "Телекоммуникация", "Касб-таълими" кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

Бакалавриятда — Информатика ва ахборот технологиялари, Касбий таълим (Информатика ва ахборот технологиялари), Телекоммуникация йўналишлари, Сервис (ахборот сервис) мутахассислари тайёрланмоқда.

Магистратурада — Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси, Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлар ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш мутахассислари тайёрланади.

24та лаборатория ва ўқув кабинети, 8та компьютер хонаси, бта маъруза зали, ахборот технологиялари маркази, ўқув зали ва бошқа техник жиҳозланган хоналар талабалар хизматида.

Мултимедиа ва дастурлаш маркази, барча компютерлар локал тармоқ ёрдамида интернет тармоғига ulangan. 210 кишилик талабалар тураржойи мавжуд. Талабаларнинг жисмоний соғлом бўлишига алоҳида эътибор қаратилган ва улар учун барча қулайликлар яратилган.

Жисмоний тарбия дарслари ва спорт мусобақаларини ўтказиш учун стадион, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари бор.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияга асосланган йирик корхоналар — Фаргона «АЗОТ», Нефтни қайта ишлаш заводи, Кувасой «Кварц» акциядорлик жамияти, шунингдек, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги муассасалари билан мустақкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Талабалар ишлаб чиқариш амалиётларини мазкур корхоналарда ўтайдилар.

Шу кунларда филиалда ўқиш орзусида бўлган абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш давом этмоқда. Бугунги кунда ҳужжатлар сони бултургидан икки баробар кўп эканлиги таълим тизимида филиалнинг ўз ўрни ва нуфузига эга бўлганига далилдир.

ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ, ЭЗГУ АМАЛ...

Рустам Тешабоев — ТАТУ Фаргона филиали директори, техника фанлари доктори, профессор:

— Бугун талаба ёшларимиз эришган бекиёс ютуқларни қўриб гурурланиб кетаман. Улар ақли машиналар билан бемалол тиллашишмоқда, анча мураккаб мавзулардаги илмий мавзуларга жад қилмоқдалар. Улар ғайрат билан ўзларининг порлоқ келажакларини яқинлаштирмоқдалар.


Санжар Эргашев, Мансур Жўраев, Муҳиддин Хайдаров, Дилором Сулаймонова, Лутфиддин Собиров, Зайлобиддин Содиков... Улар ўз эрталарини аниқ тасаввур этишадди. Улар Ватанимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўша оладиган олимлар ва етуқ мутахассислар сафидан ўрин олишларига ишонаман. Зотан, озод ва обод Ватанин шундай маънан баркамол ёшлар қурадилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёшларнинг онгу шуурига юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини ўзида муҳассам этган миллий ғояни сингдиришга эътиборни қўйиш зарур. Маънавий-тарбиявий ишлар маркази билан «Камолот» ЕИХ турли

Ватанимизнинг келажиги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАННИ БАРКАМОЛ ЁШЛАР ҚУРАДИ



учрашувлар, тадбирлар ўтказиб келяпти. Натижалар чакки эмас. Айниқса, ҳар жума кунни ўтказиладиган маънавий кунлари сермазмун ва шўхули кечади. Навоийхонлик, бобурхонлик, қувноқлар ва зуклоларнинг беллашувлари, илмий ва маънавий мавзуларидаги анжуманлар улар қалбида башариятга Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиновий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюқ сиймоларни етиштириб берган халқ фарзандлари эканликларида фахрланиш туйғуларини юксалтирмоқдаки, бу бизнинг асосий ютуқларимиздандир.

Хулоса қилиб айтганда, биз маънавий обидамиз — «Авесто»даги «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойили асосида фаолият кўрсатишга, ёшлар тафаккурида ҳам шу тамойил устувор бўлишига эришишга интиляпмиз. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «...эзгу ният, эзгу сўз ва иш бирлиги жамият ҳаётининг олий ғоясидир».

АЛ-ХОРАЗМИЙ АВЛОДЛАРИМИЗ

Қобилжон Носиров Ўзбекистон туманидан. У болалигидан компютерга ошно бўлганлардан. Бунинг учун у ота-онасидан ҳар қанча миннатдор бўлиб эришди. Бинобарин, бундай имконият ҳаммада ҳам бўлавермайдми.

— Ҳўш, сиз ўзингизни компютерни мукамал биламан, деб ҳисоблайсизми?
— Йўқ, албатта. Чунки, бу «ақл машина»-сини ўрганганингиз сари сирлари кўпайиб бораверади...
— Компютер тарихидан хабардор-мисиз?

— Интернетга кириб ўқиб тураман. Ниҳоятда қизиқ. Улуг аждодимиз Ал-Хоразмий ҳам ўзининг «Ал-жабр ал-муқобала» асари (биласиз, ана шу илмий асар номидан алгебра сўзи келиб чиққан) ҳам алгоритм тушунчасини олиб киргани билан компютер қурилиши тарихида, санаш мосламаси — счотдан кейин тилга олинади. Биринчи дастурловчи ким, биласизми?
— Йўқ.

— Инглиз шоири Байроннинг қизи, 1815-1852 йилларда яшаган леди Ада Байрон Кунг. У олим Чарлз Бабижднинг бугда ишловчи ҳисоблагич машинасини таърифлаб, унинг учун илк дастурни ишлаб чиққан экан.

— Наҳотки!
Ҳа, Қобилжон Ўзбекистон телемедицинаси шитоб билан ривожланаётгани

ҳақида ҳам шундай ҳаяжонланиб ҳикоя қиладик, тинглаб ҳузур қиласиз.

Ахир, ахборот технологиялари соҳасида тахсил олаётган талаба айнан шундай бўлиши керак-да!


КИЧИК ҒАЛАБА

КЎРСАТГАН КАТТА ЙЎЛ

Баъзан шундай воқеалар бўладики, улар орзу-режаларни, демакки, ҳаёт йўлининг тубдан ўзгариб юборади. Лейдеда ўқиётган Барнохонни ундан сўрамай информатика фани бўйича олимпиадада қатнашувчилар гуруҳига қўшиб қўйишди. Қани, ўзимни синаб қўрай-чи, дея рози бўлди ва синаб кўрди. Наманган вилояти бўйича фахрли ўринни олгани оиласидагиларни шундай севинтирдикки, шу кичик ғалаба унга кўп нарса берди. Аввало, ўзига ишонч туйғусини мустаҳкамлади. Шу ишонч уни ушбу олий даргоҳга олиб келди. Ўқиши ва одоби билан ҳам ахборот технологиялари факултетининг 3-босқич талабаси Барнохон Шоҳақимова барчага ўрнак. Унда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Фурсат бўлса, бадий асарлар ҳам мўлоаа қиладди. Ахир, устозлари китоб кишини мушодакорликка ўргатади, маънавий бойитади, дейишади-ку.

ҲАР СОҲАДА ИЛҒОР

«Исми жисмига монанд бола» дея ҳурматлашади уни. Аълочи талабалар ҳақида гап кетса ҳам, спортчилар ҳақида гап кетса ҳам Илғоржон



Гофуровнинг номи биринчи бўлиб тилга олинади. Фаргона шаҳрининг нақ «юрга»да униб-ўсаётган йигит

шундай илғор бўлиши ҳам керак-да. У давлат грантида ўқийди. «ТАТУ» футбол жамоаси сардори, шиддатли ҳужумчи...

Жамоа қатор мусобақаларда голибликни қўлга киритиб келмоқда. Бунда Умиджон Охунжонов, Руслан Каримов, Дилшод Отажонов, Максим Кузнецов, Темур Исмоиловлар қаторида унинг ҳам ҳиссаси катта.

Илғоржон келажакда магистратурада, сўнг аспирантурада ҳам ўқиби, илм гулистонига олиб кираётган устозлари сингари олим бўлиш орзусида. Орзуга айб йўқ, орзу йўли беҳад чароғон.

ШИЖОАТНИ ҚЎЛДАН

БЕРМА, СУПАРНА!

Филиал талаба қизлари фазилатларини санаб адо қилолмайсиз: барно, зукко, зийрак... шуларнинг бири Супарна Неъматова. Ўтган йилнинг декабр ойида биз у билан уч ҳафтача сайлов округи комиссиясида ишлашмига тўғри келди. Вазмин, камгап, узун, тўлқин-тўлқин сочлари ўзига ярашган навқирон қиз. Қисқа вақт ичида компютер оламида янги хабардорлиги ва меҳнатсеварлиги билан эътибор қозонди. Филиалда Супарнани сўраган эдим, қақриб келишди. Имтиҳонлар ўз таъсирини ўтказибди шекилли, у аянам нозик тортиб қолдиби. Мирқиб суҳбат кўрдик. Рус ва инглиз тиллари бўйича билими аъло даражада. Яқинда француз тилини ўрганишни ҳам бошлаб юборибди. Ҳа, унинг ибратта сазовор сифатлари кўп. Дарслардан ортиб «Ибратли келин» ўқув курсларига қатнаб, оила ҳамшираси бўлиб олгани ҳам шундан бир далолатдир. Келажак орзулари бир жаҳон. Магистратурада ҳам ўқийди. Исми ҳинд кинофилми қаҳрамонининг исми бўлгани учун ҳам Ҳиндистон тарихи ва бугунини ўрганиб, келгусида, албатта, шу давлатга боришни кўнглига тугиб қўйган.

Агар бугунги ғайрат-шижоатини қўлдан бермаса, Супарна нафақат Ҳиндистон, балки бутун дунёни кезиб чиқиши аниқ.

КОМПЮТЕР ВА ТИЛ

БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА


Гулмира Жўраева бошланғич синфларданок информатика фани билимдон сифатида ибрат қозонди. Охунбобоев туманидаги 21-мактабда, сўнг академик лицейда ҳам ўз салоҳияти билан ажралиб турди. Фаргона Политехника институтига юқори кўрсаткич билан давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинди. Факултетлари ТАТУ Фаргона филиалига ўтказилганда у мамлакат тараққиёти учун қанчалар муҳим соҳани таллашганига яна бир бор амин бўлди.

Гулмирахон инглиз тилини пухта билади. Араб ва турк тилларини ўрганишга киришган. «Юпка монокресталл ионлар имплантацияси ҳулосаларини компютерда моделлаштириш усули» мавзусида илмий иш бошлаган. Ўз салоҳиятини ўстириш деб шунга айтсалар керак. Бундай илмига ташна инсонлар эса асло ҳор бўлмайди, балки маънавий ва моддий бойликларга эришаверади.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
«Хабар»нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири


OQLAR BOSHLAYDI VA ...

1-масала
А.Андерссен — Кизерицкий,
Лондон (1851 йил)



(Тахтада 20-юришдан сўнг юзага келган ҳолат кўрсатилган)
Уч юришда мот

2-масала
Морфи — Аллиес,
Париж (1858 йил)



(14-юришдан сўнг ушбу вазият юзага келди)
Уч юришда мот

"Xabar"нинг 2008 йил 20 июн, 25 (822)-сонида чоп этилган шахмат масалалари жавоблари:

1-масала (бир юришда мот) — 1. d5: e6 #
2-масала (қора шохни икки юришда мот қилиш учун уни қайси хонага жойлаштириш керак?) — Қора шохни c5 хонасига жойлаштириш лозим. Шунда h4 хонасида турган фарзининг e1га кучли юриши билан қоралар шохда фақат битта юришга имконият қолади.

"Xabar"нинг 2008 йил 20 июн, 25 (822)-сонида чоп этилган шахмат масалаларига тўғри жавоб йўллаган муштарийлар:

2. Икром Бўронов ва Равил Зиганшин — "Сурхондарё Телеком" филиали Шеробод ТБ муҳандислари (1-2-масалалар).

TEST

ҚАНДАЙ ҚАҲВА ИЧАСИЗ?..

Қаҳва — севиб истеъмол қилинадиган ичимлик. Психологларнинг айтишича, қандай ва қай тарзда қаҳва ичишларига қараб одамларнинг феъл-атворини аниқлаш мумкин экан. Қуйидагиларни ўқиб сиз ҳам ўзингизга баҳо бериб кўринг.



Майдаланган шакарсиз қаҳвани ёқтирсангиз — сиз кучли характерга эгасиз. Масъулиятдан қўрқмайсиз ва шахсий хатоларингиздан уялмайсиз.

Майдаланган шакарли қаҳва ичсангиз — сиз ўта масъулиятлисиз, узоқ ўйлаб, бошқаларнинг "рози" ёки "қарши"лигини тарозига солиб кўргачина қарор чиқарасиз. Дўстларингиз учун шахсий қизиқишларингиздан ҳам воз кечишга тайёрсиз.

Эспрессо қаҳвасини ичсангиз — кўпчиликда сиз консерватив тарзда таассурот қолдирасиз. Сизни нимагадир ишонтириш қийин, ҳатто ўзингизнинг ноҳақлигингизни билиб турсангиз ҳам сизни бўйсундириш осон эмас.

Аралашма қаҳва ичсангиз — мулоҳазакорсиз, мақсадингизга эришиш учун қисқа йўл қидирасиз, сизда ҳаммаси қониқарли бошланади ва барчасига улгура оласиз. Агар ишингизга улгурмаган бўлсангиз — унда сиз учун ҳақи ҳаммаси олдинда.

Сутли ва шакарли қаҳва ичсангиз — сиз жуда ишонувчан ва қиршувчан одамсиз. Характерингиз ёқимли, сиз билан тортишиш қийин. Сизга илик муносабатда бўлишлари учун шароит ярата оласиз.

Гляс ва капуччинони хуш кўрсангиз — характерингиз жуда оғир. Орзулари кўп, саргузаштлаб одамсиз. Ҳаётингизда пасту баландликлар бўлиб туради. Қизиқарли ва ижодкор шахсиз.

Агар қаҳвадан кўра чойни маъқул кўрсангиз — очик ва қиршувчан, ажойиб характерга эга кулгисевар инсонсиз. Айвон ёки дала ховлига қўйилган шезлонг (енгил креслонинг бир тури)да дам олиш жону дилиннгиз. Сиз билан яшаш осон ва тинч.

BILASIZMI?

- ✓ **Инсон қонининг тўрт гуруҳга бўлинишини аниқлаган олим чехиялик шифокор Ян Янский-дир (1873-1921).**
- ✓ **Ер юзидаги энг машхур дори воситаси — аспириини 1893 йилда немис кимёгари Феликс Хоффман кашф қилган.**
- ✓ **АҚШдаги Озодлик ҳайкалининг оғирлиги 200 тоннадан зиёд.**
- ✓ **Микки Мауснинг ихтирочиси Уолт Дисней аслида сичқонлардан роса кўрққан.**
- ✓ **Тиббиётда пилародобия номли касаллик мавжуд бўлиб, унга чалинган инсонлар... кал одамлардан ўлгудек кўрқшади.**
- ✓ **Англиялик комик актёр Бенни Хилли (1925-1992) ниҳоятда миғзов бўлгани учун бирорта ҳам яқин дўсти бўлмаган.**



КЛАВИАТУРАНГИЗНИ ТОЗАЛАБ ТУРИНГ

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, клавиатуралар — кўплаб юкумли касалликлар келтириб чиқардиган бактериялар ўчоғи экан. Буни британиялик микробиолог Жеймс Фрэнсис ўз тадқиқотларида аниқлаган.

Фрэнсис 33та клавиатура, ҳолатхона эшиги туткичи ва унитаз атрофини махсус тампонларда артиб текшириб кўрган. Текширув натижаларида тўртта клавиатурада касаллик чақирувчи микроблар мавжудлиги, битта клавиатурада унитаз атрофидан топишган микроблардан беш баробар кўп микроб борлиги маълум бўлган. Фрэнсиснинг бу хулосаси америкалик соғлиқни сақлаш амалдорларини шу заҳоти ҳаракатга келтириб юборди. Сабаби, бундан сал аввалроқ Американинг юраги ҳисоблаган Вашингтондаги мактабларнинг бирида юзга яқин ўқувчи "ошқозон гриппи" деб номланган хасталик билан касалланганлар. Кейинроқ инфекция синфдаги компьютер жиҳозлари орқали тарқалгани аниқланган эди.

Ню-Йорклик микробиолог Аарон Глатт ҳам бундан бир неча йил олдин жуда қизиқ тадқиқот ўтказган эди. Тадқиқот объекти сифатида у Ню-Йоркдаги ертўлалардан бирини танлаган ва ертўлада жуда ҳам кўплаб касаллик қўзғатувчи бактерияларни топган. Аммо Глатт одамларни бундан сира ҳам ташвишга тушмасликка чақирган. Сабаби...

А.Глаттнинг фикрича, атрофимизни қўршаб олган микроблар билан курашишда энг самарали восита совун ва сувдир. "Қўлингизни юйиб юринг — микробларни йўқотишингиз энг яхши ва арзон усули шу. Афсуски, кўплаб одамлар ушбу оддий ҳақиқатга амал қилмайдилар", дейди Глатт.

Сўровномалар ўтказилганида, америкаликлар ўз клавиатуралари тозаланишга эътибор бермасликларни аниқлаган. Унда иштирок этган тўрт мингдан ортиқ америкаликларнинг фақатгина ярми клавиатураларини ойда бир марта тозалашини, қолганлари эса умуман тозаламасликларини айтишган. Ва ниҳоят, хотиржамлигингиз учун бир маълумот: агар иш клавиатуранингиздан фақат ўзингиз фойдалансангиз — бегона микроблар сизга таҳдид солмайди.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

KITOB JAVONINGIZGA

ЯНГИ ЛУҒАТЛАР

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан соҳага доир янги луғатлар тайёрланди.

1. "Русско-узбекский толковый словарь терминов по системам мобильной связи" ("Мобил алоқа тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати").



2. "Русско-узбекский толковый словарь терминов по линиям связи и системам передачи" ("Алоқа линиялари ва узатиш тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати").



Мобил алоқа бўйича атама ва таърифлар луғати Давлат тилида республикада илк мартаба чоп этилди.

Луғат алифбо тартибда жойлашган 1000га яқин атамани ўз ичига олади. Унда рус ва ўзбек тилларидаги атама ва таърифларнинг инглиз тилидаги муқобиллари ҳам ифодаланган.

Алоқа линиялари ва узатиш тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча луғати ҳам мамлакатимизда илк бора чоп этилди. Унда алифбо тартибда келтирилган 1400дан ортиқ атама ўрин олган.

Луғатлар соҳа мутахассислари, илмий ходимлар, таржмонлар, ўқитувчи, аспирант ва талабалар учун мўлжалланган.

ЭЪЛОНЛАР!

"Ипотека банк" АТИБ Сергели филиалига тегишли қатъий ҳисобда турувчи, 1688978, 1689225 рақамли аҳолидан коммунал туловлари қабул қилиш (0402005) ф-430 бланклари йўқолганлигини ва **бекор** қилинганини маълум қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли Академик лицей томонидан 2007 йилда Мўминов Акмал Акромович номига берилган О'Р-Ш 0763936 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

бекор қилинади.

SPORT

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2008 йилнинг қолган қисми учун ўртоқлик учрашувларининг тақвими тўзиб чиқди, дея хабар беради ЎФФ расмий веб-сайти.



Маълум бўлишича, 29 август куни БАА терма жамоаси билан, 11 октябрда эса Жанубий Корея терма жамоаси билан сафарда ўртоқлик учрашувлари ўтказилади. Шу билан бирга, 20 август куни Тошкентда куч синашиш учун муносиб спарринг-рақиб ҳам изланмоқда.

2010 йилги Жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи саралаш босқичига бевосита тайёргарлик куриш мақсадида Ўзбекистон терма жамоаси 25 август куни Тошкентда йиғилади. Шу ердан дастлаб БААга, сўнгра 6 сентябр куни 1-тур учрашувини ўтказиш учун Қатарга йўл олади.

Таъкидлаш лозимки, 10 сентябрда вакилларимиз Австралия терма жамоасини қабул қилишди ва 15 октябр куни саралаш босқичида навбатдаги тур учрашувини ўтказиш учун Кореядан тўғри Японияга йўл олишди.

“ҚУРУВЧИ” да ЧИЛИЛИК ФУТБОЛЧИ

Бундан буён “Қурувчи” клуби сафида 26 ёшли ҳужумчи, чилилик Хосе Луис Виллануэва ҳам тўп суради. Мазкур ҳафтада ушбу футболчи клуб ихтиёрига келиб қўшилди. У “Қурувчи” либосида 17-рақам остида ҳаракат қилади.



Виллануэва Чилининг бир қатор клубларида, жумладан, анча донгдор ҳисобланган “Кобредо”, “Универсидад Катوليца” да ўйнаган. Шунингдек, Аргентинанинг “Расинг”, Мексиканинг “Морелиа”, Корея Республикасининг “Улсан Хёндэ Хоранг”, Бразилиянинг машҳур “Васко да Гама” жамоалари таркибида ҳам майдонга тушган. 2005-2006 йилларда Чили миллий терма жамоасига жалб қилинган ва мамлакат бош жамоасида 4та беллашувда қатнашган.

ТАТУ қошидаги 2-сонли Академик лицей спорт залида Тошкент шаҳар алоқа корхона, ташкилот ва муассасаларида Ёшлар йилига бағишланган «Соғлом оила» республика мусобақаларининг биринчи босқич (корхона ва ташкилотлар биринчилиги) баҳслари ўтказилди.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ АВЛОД



Беллашувлар марказлашган ҳолда ташкил этилди. Унда “Тошкент почтамити”, “Халқаро почтамити”, “Матбуот тарқатувчи”, “ЎЗНЕТ”, “ЎЗМобайл”, ДАИ, ФТМТМ, ЭМММ, ЎЗТТБМ корхоналарининг ходимлари ўз фарзандлари билан қатнашдилар. Жами бўлиб бу спорт байрамида 120 нафардан зиёд алоқачилар иштирок этди.

Мусобақа иштирокчиларига касба уюшмаси қўмиталари ва корхоналар маъмуриятларининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ғолиблар 16-17 июл кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган иккинчи босқич мусобақаларида ўз корхоналари шарафини ҳимоя қиладилар.

«Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалида ҳам “Соғлом оила” спартакиадасининг «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» деб номланган биринчи босқичи ўтказилди.

Мусобақада олтита оилавий жамоа иштирок этди. Спортчи оилаларимиз мусобақада ўз қаққонликларини, бор маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Ишқибозлар эса уларни қўллаб-қувватлаб, олқишлаб туришди.

Беллашувлар сўнггида бош ҳақам — техника хавфсизлиги муҳандиси Марина Лебедева ҳар бир жамоанинг кўрсаткичлари асосида натижани эълон қилди. Унга кўра, шаҳарлараро автоматик телефон станциясининг EWSD участкаси ходимлари — Александр Коротков оиласи биринчи, Владимир Правдивцев оиласи иккинчи, Рамил Якубов оиласи учинчи ўринни эгаллади. Ушбу оилавий жамоалар филиалнинг «Фахрий ёрлик»лари ва махсус совринлари, қолган иштирокчилар эса эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Маҳмуда Арипова,
«ТошТТС» филиали ходими**

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентликнинг дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси Ҳабибуллаҳжа Шерзодхўжа Ҳабибуллаҳжанинг падари бузруквори Ҳабибулла Исмоиловнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
руйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва
суратлар эгаларига қайтарилмайди.

Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан фарқланиши
мумкин.

Наширимиздан кўчириб босил-
ганда “Хабар”дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғрили-
гига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет
материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарк” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

653-Г сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ,
Алади: 7932 нуска.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ.
Матн терувчи Дисфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 7 8

Елкалари учиб, тинмай қаҳ-қаҳ отиб кулаётган эрини етаклаган аёл руҳий касалликлар шифохонаси бош ҳаками ҳузурига шошилди. У кира солиб йиғлам-сирганча ёлворди:

— Эримни тузатиб беринг, дўхтир. Яқинда тўй қилишимиз керак. Бу киши бўлса...

Бош ҳаким дам йиғлаётган хотинга, дам тинмай кулаётган эрга боқди-да:

— Қани ўтиринг, — деди.
— Утиролмайман, дўхтир, эрим бу ахволда бўлиб турса...

— Хўп, айтингчи, нима гап ўзи?
— Қўриб турибсиз-ку нима гаплигини.

— Қўриб турибман. Лекин бу ҳолга бекордан-бекорга тушма-гандир. Каттиқ кўрққан ёки асаби қаттиқ бузилган. Ўта стресс ҳолатга тушган.

— Йўқ, дўхтир, тўй ҳақида бинойидек гаплашиб ўтиргандик.

— Йўқ, бинойидек гаплашилса, бунақа бўлмайди. Бир бошдан гапиринг-чи. Хасталикни даво-лашда бу жуда муҳим.

— Тўй харажатлари ҳақида суҳбатлашиб ўтиргандик-да, бирдан...

— Тўхтанг, тўхтанг, бир бошдан, тўлиқ айтиб беринг.

Аёлнинг хаёлидан «Бу ернинг шифокорларини ҳам жинни дейишарди, тўғри шекилли» деган фикр ўтди. — Эшитинг бўлмаса, эрим ишдан келди. Мен айтган тўйга керакли нарсаларни ҳам йўл-йўлакай олиб келибди, тер-лаб-пишиб кетган боёқиш.

— Хўш, хўш.

— Қорни очган экан. Овқат тайёр бўлмаганди. Чой сўраганди, қайнамаганлигини айтдим. Унгача тўй камчиликларидан гаплаша бошладик.

— Ҳа, ҳа, қани-қани.

— Нима қани. Эл қатори қили-наётган янгича удумлар ҳақида.

— Аниқроқ қилиб айтсангиз...

— Аввал спалний гарни-тур ҳақида гаплаш-дик. Ўзи-

— Кейин фотиҳа тўйдан гап очдим. Қирқта тоғора қиламиз дедим.

— Ўх-у, жа оширворибсиз-у.

— Вой, нимага ошираман.

Олтишта, саксонта қилаётганлар бор, мен мизирини айтдим. Эрим ўнтадан оширмайсан, деб туриб олди. Айюҳаннос солиб йиғлаб бердим. Рози бўлди. Бўлдию,

қўллари қалтираб, у ёқ-бу ёққа аланглай бошлади, кўзла-

ри олма-кесак

Тўй ҲАҚИДА ГАПЛАШДИК, ХОЛОС

Ҳажвия

мизникини олаимизми ёки хориж-ники, роса тортишдик.

— Хўш?..

— Мен ютиб чиқдим. Хорижни-ники оладиган бўлдик. Кейин навбат стенкага келди. Эрим жа хасисда, ўзимизнинг усталар ҳам яхши тайёрлашпти, шундан олиб қўя қолайлик, дея роса ялинди.

— Рози бўлдингизми?

— Ўлибманми, эл ичида шар-манда бўлиб. Яна ютдим.

— Эрингизни ҳам ютиб юбо-рибсиз-у, — деди шифокор кўзла-ри аланг-жалаңг бўлиб.

— Нима дедингиз?

— Ҳа, эътибор берманг.

терарди. Мен давом

этдим, битта беш юз-олти юз минг сўмлик сўри олаимиз дедим.

— Сўри? — бақириб ўрнидан туриб кетди дўхтир.

— Нега бақирасиз? Эрим ҳам бақириб юборганди, мен қулоқ солмай давом этавердим. Унга катта хонтахта қўйиб, шоҳона дастурхон ясатамиз, дедим. Эрим бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Мен устимдан куляпти, деб жажлим чиқса-да гапимда давом этаверибман. Нима ҳақида гапир-сам қаҳ-қаҳ отиб кулар, оёқларига шап-шап уриб хохоларди.

Шу орада кичик мазар ҳақида

ҳам гапириб ўтдим. Бунда ҳам катта қўйнинг тўши пишириб борилаётганини айтдим.

— Хўш-ш. — Яна бақириб юборди ҳаким ва ўрнидан туриб нари кетди, унинг елкалари учиб, атроф-га аланг-жалаңг боқа бошлади.

Аёл сўзида давом этар экан ўйлади «ҳа, чиста жинни булар».

— Телевизор, дивиди, кўрпа-тўшак, сочик, идиш-товоқ — ҳамма-сини айтардим-у, лекин эрим, негадир ҳеч тортишмай, тинмай куларди. Ахир сабрим чидамай, мен сизга маймун ўйнатяпманми, деб юзига боқсам, кулишлари бошқача, кўзларида маъно йўқ. Кейин бу ёққа олиб келавердим. Ҳали гапирилмаган тўй кўнги харажатлар ва тўйдан кейинги мазар ташишлар қолувди.

Аёл гапини тугатиб шифокорга қарадио қотиб қолди. У эрининг ёнига бориб олган. Улар бир-бирга тикилишиб қотиб-қотиб кулишар, бир-бирини кучиб-кучиб қўйишарди.

— Хой, ким бор, қаранглار дўхтиринглар жинни бўлиб қолди.

Врач-у ҳамширалар шошилиб киришиб, дам кулишайтган икки эркакка, дам савол назари билан аёлга боқишди.

— Эй, Худо, тўй ҳақида айтиб бердим холос.

— Афсус, — бош чайқади шифо-корлардан бири. — Уч қизи бор эди, икkitаси бўйи етиб қолувди, эссиз, чидолмаптида.

— Бунчалар нозик бўлмаса, бу эркаклар, а?

Восит АХМАД

ҲИСОБЛАГИЧ ЎРНАТ ВА ТАНЛОВ ҲОЛИБИ БЎЛ!

UZINFOCOM маркази 2008 йил бошидан буён WWW.UZ ҳисоблагичи ўрнатилган сайтлар ўртасида танлов ўтказиб келмоқда.



Яқинда танловнинг июн ойидаги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда қуйидаги сайтлар соҳиблари WWW.UZ маъмуриятининг совғаларига эга бўлишди:

Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш маркази сайти;

«Класс» газетаси сайти;

Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат па-латаси сайти;

Apteka.uz;

«Адолат» партияси сайти;

Shavkatov's Blog;

Golden Pages сайти;

Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси сайти;

MOBI.uz.

Танлов ҳақидаги батафсил маълумотни WWW.UZ сайтининг акциялар бўлимидан олишингиз мумкин.

YASAB KO'RING

КОМПЬЮТЕРДАН... ВЕРТОЛЁТГАЧА

Агар компютерингиз умуман яроқсиз ҳолга келиб қолса, уни ташлаб юбориш-га шошилманг. Чунки унинг эҳтиёт қисмларидан ажойиб буюмлар, совғабоп ўйинчоқлар ясаш мумкин. Бунинг учун сиздан озгина кунт ва маҳорат талаб қилинади, холос.



Табриклаймиз!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Яйпан почта алоқаси тармоғи Шўрсув алоқа бўлими бошлиғи Тоҳиржон БОТИ-РОВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табрик-лайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оиласига тинчлик-осойишталик тилайди.

«Фарғона Телеком» филиали жамоаси Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 23-АТС ходими Зера ЭНБЕРОВАНИ 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қутлайди. Унга соғлиқ, узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўриб яшашликни тилайди.



Азиз муштарийлар!

«Xabar» газетасига обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 228